# ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ “МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ВАКИЛЛАРИ ВА ЮРТДОШЛАРИМИЗГА МУРОЖААТИ

2-саҳифада.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2026 ЙИЛ
21 НОЯБРЬ,
ШАНБА

Mahalla

№94
(2422)

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

# “ЯШИЛ МАКОН” — МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНГАН КАТТА МАСЪУЛИЯТ

ЖАРАЁН

**Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг маҳалла раислари, “маҳалла еттилиги” аъзолари ва юртдошларимизга “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини янги босқичда ташкил этишга қаратилган мурожаати тайёрланди.**

Мурожаатда 2026 йилда белгиланган янги экологик вазифалар, жумладан, “3-30-300” тамойилини ҳаётга татбиқ этиш, маҳаллалардаги бўш ер майдонларидан самарали фойдаланиш, яшил ҳудудларни кенгайтириш ва мавжуд дарахтларни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, кўчат экишни бир марталик тадбир сифатида эмас, балки унинг яшаб кетиши, суғорилиши ва йиллар давомида парваришланишини таъминлайдиган узлуксиз жараён сифатида ташкил этиш зарурлиги таъкидланган.

Уюшма мурожаатида маҳалла раислари зиммасига ҳудудларнинг экологик ҳолатини ўрганиш, яшил майдонларга эҳтиёжни аниқлаш, кўчат экиладиган манзиллар ва уларнинг парвариши учун масъулларни белгилаш каби аниқ вазифалар юкланган. “Маҳалла еттилиги” аъзоларини эса ўз йўналишлари бўйича аҳоли, ёшлар, хотин-қизлар ва тадбиркорларни экологик ташаббусларга бирлаштиришга чақирилган.

Мурожаатдаги асосий даъват маҳалладаги натижа экилган кўчатлар сони билан эмас, балки уларнинг қанчаси кўкариб, дарахтга айлангани, қанча янги яшил ҳудуд барпо этилгани ва аҳоли учун қандай қулай экологик муҳит яратилгани билан баҳоланиши кераклигига қаратилган. Зеро, бугун экилаётган ҳар бир ниҳол — келажак авлодга қолдириладиган эзгу меросдир.

**Мурожаатнинг тўлиқ матни билан газетамизнинг иккинчи саҳифасида танишинг.**



БИЗНИ ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА КУЗАТИНГ!

Газетанинг телеграмдаги «uzmahallabot»ига ўтиш учун QR-кодни сканерланг!

@mahalla_raislari
@mahalladosh_1
@mahalladosh

“ЯШИЛ МАКОН”



# ҲАР БИР НИҲОЛДА КЕЛАЖАК НАФАСИ БОР

**Кўчатнинг илдизи ерга, шохлари осмонга интилади. Бунда ҳаётнинг ўзига хос фалсафаси бор: бугунги меҳнат эртанги самарага айланади. Бир ниҳолнинг ўсиши учун тупроқ, сув ва қуёш керак бўлганидек, яшил маконнинг барпо этилиши ҳам меҳнат, масъулият ва эътибор талаб қилади.**

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Андижон заминида бугун қад ростлаётган янги ниҳоллар ана шу эзгу мақсад — она табиатни асраш ва келажак авлодга обод, яшил диёр қолдириш истагининг ифодасидир. Шу мақсадда жорий йил кузги мавсумда вилоятдаги 880 маҳалла кесимида жами 2 миллион 960 минг туп манзарали ва мевали дарахт, бута кўчатлари ҳамда қаламчалар экиш режалаштирилган.

### 100 ЁШЛИ ОТАХОННИНГ ДАЛДАСИ

— Юз ёшдан ошган Султонбой ота Хонариқ кўчасидаги кўчат экиш жараёнида меҳнат қилаётган набирасига дастак бўлди, **— дейди Олтинкўл туманидаги “Маданий меҳнат-1” маҳалласи раиси Муродбек Абдувалиев.** — “Шундай хайрли ишларни кўриб, яна ёшаргандек бўляпман”, дея халқимизга дуо қилди. Бу манзара ҳашар иштирокчиларига ҳам кўтаринкилик бағишлади.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида маҳалламизда ўтказилган ҳашарда аҳоли, айниқса, нуронийлар фаол қатнашди. Аҳоли вакиллари 1 000 тупдан ортиқ дарахт кўчатларини катта орзу ва ҳавас билан ерга қадашди. Ҳамманинг кайфияти аъло. Зеро, яшил маконсиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз.

Маҳалламизнинг умумий ер ҳудуди 100 гектар бўлиб, шундан 60 гектари экин майдонларидир. Анҳор бўйида жойлашганимиз боис сув етарли, ариқларимиздан тўлиб-тошиб оқади. Шунинг учун ниҳолларни кўкартиришда деярли муаммо йўқ. Тўртта кўчага бириктирилган фаоллар ва хонадон вакиллари ҳар бир кўчатни ўзгача меҳр билан парваришлайди. Бизнинг иқлим шароитимизда, асосан, гилос, шафтоли, олма, ўрик ва беҳи меваларининг ҳосилдорлиги яхши бўлгани учун фуқаролар кўпроқ шу дарахтларни экишга қизиқяпти.

Давоми 2-саҳифада.

## БУГУНГИ СОНДА:

### “Таклифни ташаббусга, ташаббусни илғор тажрибага айлантирдик”

Бугун тумандаги чегараолди ҳудуд таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бу шунчаки қоғоздаги рақамлар эмас, балки маҳалла аҳлининг бир ёқадан бош чиқариб қилган меҳнати ва ислоҳотларнинг амалий натижасидир. Ҳар қандай тараққиёт инсон учун муносиб шароит яратишдан бошланади. Ажратилган 1 миллиард 549 миллион сўм маблағ эвазига янги сув қудуғи қазилиб, замонавий насос, минора ва бактерицид ускунаси ўрнатилди.

5-с.

### Қимор қаерда ўйналса ҳам, барибир қимор

Қиморхона энди фақат қоронғи хона, яширин манзил ёки махсус бинода ташкил этилмайди. Компьютер, интернет ва ижтимоий тармоқдаги канал ҳам ноқонуний даромад манбаига айланиши мумкин. Энг ташвишлиси, бундай фаолиятнинг аудиторияси чегара билмайди. Экран қаршисидаги ҳар қандай инсон унинг таъсирига тушиб қолиши эҳтимолдан холи эмас.

6-с.

### Нимага қарсак чалиб, нимани томоша қиляпмиз ўзи?..

Тезкор ахборот асрига келиб, қадриятларимизнинг ўлчови бутунлай ўзгариб кетди. Энг ачинарлиси, илгари уят ва ор саналган иллатлар бугун шунчаки чиройли, замонавий атамалар билан безатилиб, ҳаётимизга кириб келмоқда. Масалан, дастурхон бошида чапиллатиб овқат ейиш азалдан қаттиқ қораланган ва беодоблик саналган. Бугун эса бу ҳолатга “овозли ҳузур” деб ном бериб, уни мириқиб томоша қиладиган бўлдик.

7-с.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?




Бир куни Абдулла Авлоний кўчасидан ўтаётиб, айрим жойларда кўча ёритгичлари ишламаётганига кўзим тушди. Буни шунчаки қайд этиб ўтиб кетмадим. Эртаси куниёқ муаммони ҳал қилиш чораларини кўрдик. Бу билан одамлар хаёлида “Раис кеча кўчамиздан ўтган эди, бугун муаммомизни ҳал қилибди”, деган фикр уйғонади. Ана шу эътибор ва муносабат одамлар билан орамиздаги ишончни мустаҳкамлайди.

4-саҳифада.

# КЎРСАТИЛМАГАН ХИЗМАТ УЧУН ТЎЛОВ

## ЁКИ ЧИҚИНДИ МУАММОСИ ҚАЧОН БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ?

МУЛОҲАЗА

Чиқиндининг ўз вақтида олиб кетилмаслиги шунчаки кўчанинг кўркини бузиш билан чекланмайди. Айниқса, иссиқ кунларда ёки намгарчиликда турли юқумли касалликлар тарқатувчи кемирувчилар ва ҳашаротлар кўпайишига замин яратади.

Яна бир оғриқли нуқта шундаки, бугун айрим коммунал тўловлар айнан чиқинди қарздорлигига боғлаб қўйилди. Истеъмолчи тўловни кечиктирса, зудлик билан таъсир чораси кўрилади. Мажбурий ижро бюроси, судлар, тармоқдан узиш каби жазо тизими бехато ишлайди. Аммо хизмат кўрсатувчи корхона ўз мажбуриятини бажармаса-чи?

7-саҳифада.



Ижрочи шартномани бузганда, фуқаронинг ундан товон пули ундириши ёки корхонани жаримага тортиши бўйича содда ва тезкор тизим мавжуд эмас. Фуқаро ўзининг ҳақлигини судма-суд юриб, исботлашга мажбур, бунга эса кўпчиликнинг вақти ҳам, асаби ҳам етмайди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ




Йиллар ўтгани сайин ижтимоий тармоқлар инсонлар учун ахборот манбаидан ташқари эрмак, баҳс майдони, ҳатто кимнингдир обрўсини тўкиш воситасига айланиб бормоқда. Ҳар ким билганини ёзади, кўрганини текширмай тарқатади, бировнинг камчилигини очиқлашни жасорат деб билади. Гўёки ахборот тарқатишда ҳам, унинг ортидан келадиган оқибатларда ҳам ҳеч қандай масъулият йўқдек. Аслида сўзнинг ҳам, тасвирнинг ҳам чегараси, инсоннинг ҳам қадр-қиммати бор.

8-саҳифада.



**Президент Паркент туманининг “Кумушкон” маҳалласидаги “Silver Valley” оилавий дам олиш ҳамда “Олтин бел” МАЖМУАЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ.**



**Булунғур туманидаги “Олмазор” маҳалласида 10 гектар ер майдонида БОҒ ЯРАТИЛИБ, ҚАЙРАҒОЧ КЎЧАТЛАРИ ЎТҚАЗИЛДИ.**



**Қўшкўпир тумани маҳаллаларида ҳар ҳафтанинг пайшанба куни “МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ ВА ЁШЛАР” УЧРАШУВЛАРИ ташкил этилмоқда.**



*Дарахт экиш — яхшиликка қўйилган қадам, уни асраш — шу яхшиликка содиқ қолишдир. Яшил маконни барпо этиш ҳар бир маҳалланинг иши, уни авлодларга етказиш эса барчамизнинг бурчимиздир!*

2026 ЙИЛ 21 НОЯБРЬ, ШАНБА

№94

Mahalla

# ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ “МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ВАКИЛЛАРИ ВА ЮРТДОШЛАРИМИЗГА МУРОЖААТИ

**Азиз юртдошлар!**

**Ҳурматли “маҳалла еттилиги” вакиллари!**

Инсон борки, тоза ҳаводан нафас олишни, фарзандларининг ям-яшил дарахтлар орасида яйраб улғайишини хоҳлайди. Аммо бу истакнинг рўёбга чиқиши учун кимдир бугун ҳаракат қилиши, кимдир ниҳол экиши, яна кимдир уни асраб-авайлаб, вояга етказиши керак. Табиатнинг гўзаллиги ҳам, унинг эртанги тақдири ҳам одамларнинг бугунги муносабатига боғлиқ.

Халқимиз азалдан дарахтни эъзозлаган. Ота-боболаримиз уй қурса, ҳовлисига мевали дарахт эккан, ариқ бўйига толу терак қадаган, йўл ёқаларидаги ниҳолларни асраб-авайлаган. Қадимдан бирор хонадонда фарзанд туғилса, ниҳол экиш, янги уйга кўчиб кирилса, ҳовлини кўкаламзорлаштириш эзгу одатларимиздан бўлган. Чунки дарахт экишни улар савобли амал, яхшилик ва келажакка қолдириладиган мерос, деб билганлар.

Бугун ана шу қадриятларимизни янги мазмун билан бойитиш, табиатга меҳрни умуммиллий ҳаракат даражасига кўтариш вақти етган. Зеро, экологик муаммолар, иқлим ўзгариши, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, сув ресурсларининг чеклангани ҳар биримиздан табиатга муносабатимизни қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда. Бундай шароитда яшил ҳудудларни кўпайтириш аҳоли саломатлиги, турмуш сифати ва келажак авлодлар манфаатига дахлдор стратегик вазифадир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси мамлакатимизда экологик мувозанатни сақлаш, шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш, аҳоли учун соғлом яшаш муҳитини яратиш борасида кенг кўламли ҳаракатга айланди.

Жорий йил 23 сентябрда қабул қилинган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда маҳаллалар ролини кучайтириш ва ҳудудларнинг яшиллик даражасини тубдан оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармони билан “Яшил макон” йўналишидаги вазифалар, ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, бўш ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва экологик масъулиятни кучайтиришга қаратилган янги тартиблар белгиланди.

Эндиликда асосий эътиборни фақат қанча кўчат экилганига эмас, балки қанча дарахт тутиб кетганига, қанча яшил майдон барпо этилганига, уларнинг қандай парваришланаётганига қаратиш зарур. Бу — ишга муносабатнинг ўзгариши, миқдордан сифатга, бир марталик тадбирдан узлуксиз натижага ўтиш демакдир.

Янги ёндашувларнинг яна бир муҳим жиҳати — “3-30-300” тамойилидир. Ушбу мезонга кўра, ҳар бир инсон ўз уйидан камида учта дарахтни кўра олиши, яшил ҳудудда дарахтлар соябони улуши 30 фоизга етиши ва 300 метр масофада яшил ҳудуддан фойдаланиш имконияти бўлиши кўзда тутилади. Бу тамойилнинг мазмуни жуда оддий, аммо ҳаётий: яшиллик инсоннинг кундалик ҳаётидан узоқда эмас, унинг уйи, кўчаси, маҳалласи ва иш жойи атрофида бўлиши керак!

Шу нуқтаи назардан, ҳар бир маҳалла ўзининг экологик қиёфасини яратиши лозим. Қайси кўчада дарахтлар кам? Қайси ҳудудда ёз ойларида соя-салқин етишмайди? Қайси жамоат жойида яшил майдон ташкил этиш мумкин? Қайси ер майдонидан оқилона фойдаланилмаяпти? Қайси дарахтлар парваришга муҳтож? Бундай саволларга аниқ жавоб топиш, муаммоларни манзилли ҳал қилиш маҳалла фаолиятининг кундалик вазифасига айланиши зарур.

Шунингдек, 2026 йилги янги тартиблар доирасида бўш турган маҳалла хоналари ва ер майдонларидан самарали фойдаланиш, экологик ҳуқуқбузарликлар учун ундириладиган жарималар маблағларини маҳаллаларнинг экологик манфаатларига йўналтириш билан боғлиқ тизимлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу имкониятлардан қонуний, шаффоф ва мақсадли фойдаланиш маҳалладаги яшил ҳудудларни кенгайтириш учун қўшимча ташкилий ва иқтисодий замин яратади.

Демак, “Яшил макон” ташаббуслари ҳар бир маҳалла учун аниқ режа, аниқ манзил, аниқ масъул ва эришиладиган натижага эга бўлиши шарт.

**Қадрли маҳалла раислари!**

Сиз маҳалланинг бугуни ва келажаги, унинг ободлиги, аҳоли турмуш шароити ва жамоатчилик кайфиятига бевосита таъсир кўрсатадиган масъул вазифадасиз.

Маҳалладаги бирор кўчанинг дарахтсизлиги, ариқларнинг ифлосланиши, чиқиндиларнинг белгиланмаган жойга ташланиши, яшил майдонларнинг қисқариши асло эътиборингиздан четда қолмаслиги керак. Чунки буларнинг ҳар бири одамларнинг яшаш муҳитига таъсир қиладиган муаммолардир.

Шу боис ҳар бир маҳалла раиси, аввало, ўз ҳудудининг экологик ҳолатини ўрганиши, кўкаламзорлаштиришга эҳтиёж мавжуд жойларни аниқлаши, бўш ер майдонларини хатловдан ўтказиши ва мавжуд дарахтларнинг ҳолатини баҳолаши зарур. Бу ишларни маҳалланинг ҳақиқий эҳтиёжидан келиб чиқиб ташкил этиш лозим.

Ҳар бир маҳаллада экологик харита ва амалий ҳаракат режаси бўлиши мақсадга мувофиқ. Унда дарахт экиладиган жойлар, мавжуд яшил ҳудудлар, суғориш манбалари, парваришга муҳтож дарахтлар, ободонлаштиришга эҳтиёж мавжуд ҳудудлар акс эттирилиши керак.

Бу жараёнда яна бир муҳим жиҳат бор: ҳар қандай жойга ҳар қандай дарахтни экиш тўғри эмас. Ҳудуднинг иқлими, тупроқ таркиби, ер ости сувлари, сув таъминоти ва дарахт турининг маҳаллий шароитга мослиги ҳисобга олиниши шарт. Айниқса, сув тақчиллиги кузатиладиган ҳудудларда сувни кам талаб қиладиган, маҳаллий иқлимга мос дарахт турларини танлашга устувор аҳамият бериш зарур.

Маҳалла раиси учун энг муҳим мезон — кўчат экиш тадбирининг натижаси. Бугун экилган кўчат бир неча ойдан кейин қуриб қолса, буни фақат табиат шароити билан изоҳлаб бўлмайди. Бу, аввало, танлов, режалаштириш, суғориш ва парвариш жараёнларидаги камчиликларни яққол намоён этади.

Шунинг учун ҳар бир кўчатнинг кейинги тақдири ҳақида ўйлаш, уни парваришлаш учун масъулларни белгилаш, суғориш жадвалини ишлаб чиқиш, мавсум давомида ҳолатини кузатиб бориш талаб этилади. Кўчат экишда иштирок этган хонадон, ташкилот ёки жамоа унинг кейинги парваришига дахлдор бўлиши керак.

**Ҳурматли “маҳалла еттилиги” аъзолари!**

“Яшил макон” лойиҳасининг маҳалладаги самараси кўп жиҳатдан сизнинг ҳамжиҳатлигингиз, ташаббусингиз ва вазифаларни ўзаро мувофиқлаштириб бажаришингизга боғлиқ.

Бу борада ҳар биримиз ўз соҳангиз имкониятларидан келиб чиқиб, лойиҳа ижросида етакчи бўлган **маҳалла раиси** билан биргаликда умумий мақсадга ҳисса қўшишингиз лозим.

**Ҳоким ёрдамчиси** маҳалладаги тадбиркорлик субъектлари, ишбилармонлар ва томорқачиларни экологик ташаббусларга жалб этиши, кўчатчилик, кўкаламзорлаштириш, суғориш тизимларини яхшилаш бўйича иқтисодий имкониятларни ўрганиши, хусусий ташаббусларни қўллаб-қувватлаши керак.

**Хотин-қизлар фаоли** оилалар, айниқса, ёш оналар ва хонадон бекалари ўртасида экологик маданиятни ошириш, хонадонлар ва ҳовлиларни кўкаламзорлаштириш, гулзорлар ташкил этиш, ободлик ва озодалик анъаналарини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиши лозим.

**Ёшлар етакчиси** ёшларнинг куч-ғайрати ва ташаббусларини бу эзгу ишга йўналтириши, кўчат экиш акциялари, экологик тарғибот, чиқиндиларни саралаш, дарахтларни парваришлаш бўйича кўнгиллилар гуруҳларини шакллантириши зарур.

**Профилактика инспектори** жамоат жойларидаги дарахтлар ва яшил ҳудудларга нисбатан қонунбузилишларнинг олдини олиш, экологик ҳуқуқбузарликлар ҳақида аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини ошириш, умумий фойдаланишдаги ҳудудларга масъулиятли муносабатни шакллантиришда иштирок этиши лозим.

**Ижтимоий ходим** ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар яшайдиган ҳудудлардаги экологик муаммоларни аниқлаши, уларнинг яшаш шароитини яхшилашга қаратилган ташаббусларга кўмаклашиши мумкин.

**Солиқ инспектори** эса маҳалладаги тадбиркорлик субъектлари билан мулоқотда уларнинг ҳудуд ободлиги ва экологик муҳитни яхшилашдаги ижтимоий масъулиятини оширишга қаратилган ҳамкорликни йўлга қўйишда иштирок этиши зарур.

Ҳар бир маҳаллада экилган кўчатларнинг электрон ёки қоғоз шаклидаги ҳисобини юритиш, уларнинг тури, экилган жойи, экиш санаси ва парвариши учун масъулларни белгилаш мақсадга мувофиқ. Кўчатларнинг тутувчанлиги ва ҳолати белгиланган муддатларда ўрганилиши, қуриб қолганларининг сабаблари таҳлил қилиниши зарур.

Шунингдек, суғориш масаласи экишдан олдин ҳал қилиниши керак. Томчилатиб суғориш, мавжуд сув манбаларидан оқилона фойдаланиш, ёмғир сувини тўплаш, сувни тежайдиган технологияларни қўллаш каби ечимларни ҳар бир ҳудуднинг имкониятидан келиб чиқиб татбиқ этиш мумкин.

Маҳалланинг яшиллиги фақат кўчатлар сони билан белгиланмайди. Унинг кўчаларидаги тозалик, ариқ ва зовурларнинг ҳолати, чиқиндиларни тўғри бошқариш, сувдан оқилона фойдаланиш, умумий мулкка муносабат экологик муҳитнинг ажралмас қисмидир.

Шу боис маҳаллаларда чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаш, дарахтлар атрофини қуришлиш чиқиндилари билан тўлдириш, яшил майдонларни эгаллаб олиш, суғориш сувини исроф қилиш каби ҳолатларга нисбатан жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур.

Маҳаллада тадбиркорлар, таълим муассасалари, тиббиёт ташкилотлари, нуронийлар ва фаол фуқаролар иштирокида экологик ҳамкорликни кучайтириш керак. Ҳар бир мактаб ўз ҳудудида кичик боғ барпо этса, ҳар бир ташкилот биноси атрофини кўкаламзорлаштирса, ҳар бир хонадон ўз имкониятидан келиб чиқиб бир туп дарахт ёки гул экиб, уни парваришласа, умумий натижа қанчалик салмоқли бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Айниқса, болаларда табиатга меҳрни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Боланинг ўз қўли билан экиб, сув қуйиб, ўсишини кузатган дарахтига муносабати бошқача бўлади. У шу дарахтни асрашни, атроф-муҳитни ифлос қилмасликни, табиатга зарар етказмасликни ҳаётий тажриба орқали ўрганади. Шу маънода, ҳар бир маҳалладаги экологик ташаббус келажак авлод тарбиясига қўшилган улкан ҳиссадир.

“Обод маҳалла” деганда равон йўллар, таъмирланган уйлар, замонавий иншоотлар, ёритилган кўчаларни тасаввур қиламиз. Албатта, буларнинг барчаси муҳим. Аммо бир нарсани унутмаслигимиз керак: дарахтсиз кўча, соя-салқинсиз майдон, чанг ва иссиққа тўла муҳитда ободликни тасаввур этиш қийин.

Ҳақиқий ободлик — инсон ўз уйидан чиққанида нафас оладиган ҳавоси мусаффо, юрадиган кўчаси озода, дам оладиган жойи кўкаламзор бўлган муҳитдир. Ҳар бир маҳаллада ташаббускорлик, масъулият ва узлуксиз меҳнат бўлмаса, бундай манзарани ҳосил қилиб бўлмайди.

Шу муносабат билан **“маҳалла еттилиги” аъзоларини қуйидаги вазифаларни ўз фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилашга чақирамиз:**

— ҳар бир маҳалланинг экологик ҳолатини хатловдан ўтказиш, яшил ҳудудларнинг мавжуд ҳолати ва эҳтиёжини аниқлаш;

— 2026 йилги кузги кўчат экиш мавсумида ҳудуд иқлими ва тупроғига мос, яшаб кетиши таъминланган дарахт турларини танлаш;

— ҳар бир кўчат учун суғориш манбаи ва парвариш масъулини олдиндан белгилаш;

— бўш турган ер майдонлари, маҳалла бинолари атрофи, кўча ва йўл ёқалари, ижтимоий соҳа объектлари ҳудудларидан қонуний ва мақсадли фойдаланиб, янги яшил майдонлар ташкил этиш;

— мавжуд дарахтларни муҳофаза қилиш, ноқонуний кесиш ва шикастлаш ҳолатларининг олдини олиш;

— “маҳалла еттилиги”, нуронийлар, ёшлар, хотин-қизлар, тадбиркорлар ва фаол фуқаролар иштирокида доимий экологик ташаббусларни йўлга қўйиш;

— экилган кўчатларнинг тутувчанлиги, парвариши ва сақланиш ҳолатини жамоатчилик назорати асосида мунтазам ўрганиб бориш;

— экологик тарбияни оила, таълим муассасалари ва маҳалла ҳаётининг ажралмас қисмига айлантириш.

**Азиз юртдошлар!**

Бугун биз эккан ниҳолнинг соясидан фарзандларимиз, набираларимиз баҳраманд бўлади, мевасидан тотади, мусаффо ҳавосидан нафас олади. Ана шунинг ўзи инсон учун катта бахт, эзгу амалнинг энг гўзал натижаси эмасми?

Шунинг учун ҳар бир кўчатни келажакка қўйилган умид, авлодларга қолдириладиган мерос сифатида қабул қилайлик. Ҳар бир маҳаллада яшилликни кўпайтиришни умумий мақсадимизга, уни асрашни эса кундалик одатимизга айлантирайлик.

Маҳалла раиси ўз ҳудудидаги ҳар бир дарахтга эътиборли бўлса, “еттилик” аъзолари бир мақсад йўлида бирлашса, нуронийлар дуо ва ўгитлари билан, ёшлар ғайрат ва ташаббуслари билан бу ҳаракатга қўшилса, ҳар бир маҳалла ҳақиқий яшил масканга айланиши муқаррар!

**Зеро, дарахт экиш — яхшиликка қўйилган қадам, уни асраш — шу яхшиликка содиқ қолишдир. Яшил маконни барпо этиш ҳар бир маҳалланинг иши, уни авлодларга етказиш эса барчамизнинг бурчимиздир!**

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

**“ЯШИЛ МАКОН”**

# ҲАР БИР НИҲОЛДА КЕЛАЖАК НАФАСИ БОР

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ**

## ҲАР КЎЧАТДА ЭЗГУ НИЯТ МУЖАССАМ

**Тошкентнинг тобора кенгайиб бораётган қиёфаси, янги қурилишлар ва транспорт оқимининг ортиши яшил ҳудудларни асраш ва кўпайтириш масаласини янада долзарб қилмоқда. Зеро, дарахтлар камайган жойда ёзги иссиқнинг таъсири кучаяди, ҳаво айланиши ва экологик муҳитга босим ортади. Бундай шароитда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг пойтахт маҳаллаларида амалга оширилиши нафақат ободонлаштириш, балки аҳоли саломатлиги ва келажак авлод манфаатларига хизмат қиладиган муҳим ташаббусдир.**



### МЕВАСИДАН БАҲРАМАНД БЎЛДИК

— “Яшил макон” лойиҳаси доирасида маҳалламизда мунтазам ҳашарлар ташкил этиш анъана тусига айланган, **— дейди Андижон шаҳридаги “Ғайрат” маҳалласи раиси Дилбархон Йўлдошева.** — Бу галги тадбирда бир қарич бўш жой қолдирмасдан, минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экдик. Жумладан, ўрик, олма, арча, атиргул каби ниҳоллар катта орзу ва ният билан ерга қадалди. Аввалги йилларда экилган олди дарахтлар ҳосилга кириб, халқимиз мевасидан баҳраманд бўляпти.

Қувонарлиси, ёшлар ҳам бу ташаббусга катта қизиқиш билдириб, кўчат экиш ва уларни парваришлашда фаол қатнашмоқда. Уларнинг ерга меҳр билан муносабатда бўлиши, ниҳолни ўз қўли билан экиб, унинг ўсишини кузатиши қалбида табиатга эҳтиром, меҳнатга ҳурмат туйғуларини шакллантиради.

Ободонлаштириш ишлари хонадонларда авж паллада. Ўн учта кўчадаги уйларнинг ташқи фасадлари, ички қисмлари ва тандирхоналарини янгидан таъмирлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Натижада хонадонларнинг 95 фоизида ишлар якунига етиб қолди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни эътибордан четда қолдирмадик. Ҳар ойда ҳомийлар кўмаги билан биттадан хонадон таъмирдан чиқарилиб, шароити яхшиланяпти.

### ТАБИАТГА МЕҲР БОЛАЛИКДАН БОШЛАНАДИ

— Маҳалламизда кўчат экиш ишлари қизғин давом этаётган бир пайтда тўртинчи синфда ўқийдиган болакайнинг отасига айтган гапи барчамизнинг эътиборимизни тортди, **— дейди Асака туманидаги “Қайрағоч” маҳалласи раиси Юлдузхон Бердиқулова.** — У атрофдаги ниҳолларга қараб: “Дада, маҳалламизнинг номи Қайрағоч бўлса, унинг ҳар бир кўчасида шу дарахт ўсиб туриши керак эмасми?” дея савол берди. Бу гап отасини хиёл ўйлантириб қўйди. У ўғлига қайрағоч дарахтини кўрсатиб, унинг хусусиятлари ҳақида тушунтиргач, боланинг ўз хонадонида худди шу дарахтни экиш нияти пайдо бўлди. Қувонарлиси, бугун табиатга меҳр ва уни асраш истаги ёшлар қалбида тобора кучаймоқда. Демак, экологик маданият оиладан, боланинг оддий саволидан ва кичик бир ниҳолга кўрсатилган меҳрдан бошланади.

Маҳалламизда “Яшил макон” лойиҳаси доирасида мунтазам ҳашарлар ўтказиб келамиз. Аҳолининг бу ташаббусга муносабати жуда яхши, барча иштиёқ билан ободонлаштириш ишларига киришади. Қабристонларга дарахтлар экилди, кўчалар тозаланди. Ҳудудимизда асосан павлония ва арча кўчатлари ўтқазилди. Хонадонларда эса мевали дарахтлар экишга, айниқса, узумчиликни ривожлантиришга эътибор кучайган.

Ҳашарлар натижасида маҳалламиз ҳудудига 2 минг 800 тупдан ортиқ кўчат экилди. Энг муҳими, аҳоли бу кўчатларни нафақат экиш, балки асраб-авайлаш масъулиятини ҳам ҳис қилмоқда.



### “ЯШИЛЛИКНИ АСРАШГА ЧАҚИРАМАН”

— Маҳалла ободлиги, кўчалар кўркамлиги, аҳоли учун қулай ва соғлом муҳит яратиш — доимий эътиборимизда, **— дейди Янгиҳаёт туманидаги “Чарағон” маҳалласи раиси Шомурод Жабборов.** — Шу боис “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида аҳамият қаратяпмиз.



Давоми 3-саҳифада.



Қашқарё вилоятида “ҚизларФест” фестивали ташкил этилиб, 1 000 нафардан ортиқ қизни бирлаштирди.



Солиқ қўмитасида XVJ вакиллари иштирокида солиқ ислоҳотларининг бориши ва ҳамкорликнинг устувор йўналишлари муҳокама қилинди.



Бағдод туманидаги “Дўрмонча” маҳалласида яшовчи фуқаро ўз хонадонида қадимий тангалар, тарихий буюмлар ва ноёб осори атиқалар жамланган ўзига хос музей ташкил этди.



“ЯШИЛ МАКОН”

# ҲАР БИР НИҲОЛДА КЕЛАЖАК НАФАСИ БОР

Давоми. Бошланиши 1-, 2-саҳифаларда.

Жорий йилда ўрмон хўжалиги вакиллари маҳалламизга келиб, ҳудуднинг шароитини ўрганиб кетишди. Сув тақчиллигини инобатга олган ҳолда, қурғоқчиликка чидамли дарахт турларини экиш бўйича тавсиялар беришди. Хусусан, ярим гектар очиқ майдонга йилига икки-уч марта суғориш кифоя қиладиган кўчатларни етказиб берадиган бўлишди.

Аҳолининг бу борадаги фаоллиги ҳам қувонарли. Кўпчилик ўз ҳисобидан кўчат сотиб олиб, кўп қаватли уйлар атрофига дарахтлар экяпти. Бу ишларда нуронийларимизнинг кўмаги алоҳида аҳамиятга эга. Анвар Ҳусниддинов кексаларни эзгу ташаббус атрофида бирлаштириб, уларнинг фаоллигини оширишга ҳисса қўшмоқда. Баҳодир Рўзиметов дарахт экиш ва уларни парваришлаш ишларида жонбозлик кўрсатяпти.

Менимча, кўкаламзорлаштиришда энг катта натижа аҳолининг бу ишни ўз бурчи деб билишидадир. Чунки раис ёки масъуллар экиб берган дарахтни халқнинг ўзи парваришламаса, кутилган натижага эришиш қийин. Шунинг учун ҳар бир маҳалладошимизни яшилликни асрашга, кўчатларнинг нобуд бўлишига йўл қўймасликка чақираман.

### “ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ...”

— Бир куни саксон ёшга яқинлашиб қолган қайнотам ҳовлига гилос кўчати экди, **— дейди Шайхонтоҳур туманидаги “Жарариқ” маҳалласи раиси Раъно Эгамбердиева.** — Биз ҳали ёшмиз, у кишининг бу ҳаракатларини кузатиб, “Бу дарахт қачон катта бўлади, қачон ҳосилга киради? Мевасини ейишга улгурармикан?” деган хаёлни кўнглимиздан ўтказдик. Бугун ўша гилос дарахтининг ҳосилига набираларим оғзи тегди. Шунда англадимки, у киши бу кўчатни ўзи учун эмас, авлодларини ўйлаб ерга қадаган экан.

Бугун юртимиз маҳаллаларида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишларни кузатиб, шу воқеани тез-тез хаёлимдан ўтказаман.

Маҳалламизда аҳоли вакиллари хонадонларини кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Кузги мавсумда арча ва гуллар экилди. Бу йилдан бошлаб шамшод кўчатларига қизиқиш анча ортди. Айримлар павловния ва каштан каби манзарали дарахтларни танлаяпти. Кексаларимиз атиргулларни парваришлашга ишқибоз.

Энг муҳими, аҳоли энди кўчат танлашда ҳам анча эътиборли бўлиб қолган. Илгари ҳовлиларда тутга ўхшаган шохлари кенг ёйиладиган дарахтлар тартибсиз экиларди. Вақт ўтиши билан улар ёруғликни тўсиб, ҳаракатланишга халақит берарди. Ҳозир хонадон шароитига мос дарахт турларини танлашга ҳаракат қиляпмиз. Мевали дарахтларга ўз вақтида шакл бериб, ортиқча шохларини буташ тавсия этиляпти.

## БУХОРО ВИЛОЯТИ

### БИР ТУП ДАРАХТ — ТОЗА ҲАВО, ГЎЗАЛ ТАБИАТ ВА СОҒЛОМ МУҲИТ

Дарахтнинг қадри унинг соясига эҳтиёж сезилганида билинади. Бугун ерга қадаётган ниҳолимиз эртага кимнингдир ҳордиқ чиқарадиган маскани, мусаффо ҳаво манбаи, табиатнинг бир бўлагига айланади. Ана шу эзгу мақсад йўлида Бухоро вилоятида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўкаламзорлаштириш ишлари кенг қулоч ёзиб, ҳудудларни обод ва яшил масканга айлантиришга қаратилган ташаббуслар амалга оширилмоқда. Жорий йил куз мавсумида вилоятида 615 та маҳалла кесимида жами 2 миллион 142 минг туп манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари экиш режалаштирилган.

### ОҚТЕРАКМИ, КЎКТЕРАК?...

— Экилган ҳар бир дарахт келажак авлод учун тоза ҳаво, гўзал табиат ва соғлом муҳит яратишга хизмат қилади, **— дейди Қоракўл туманидаги “Полвонлар” маҳалласи раиси Малика Ражабова.** — Бу ишларингиз анъанага айланиши учун дарахтларга



ўз вақтида сув бериш, парваришлаш ва асраб-авайлаш барчамизнинг муҳим вазифамиздир.

Маҳалламизда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кузги кўчат экиш ишлари изчил давом этмоқда. Жорий мавсумда ҳудудда 5 минг туп дарахт экиш мақсад қилинган бўлиб, бугунги кунга қадар режанинг 70 фоизи бажарилди. Об-ҳаво шароитидан келиб чиқиб, тадбирни 1 декабрга қадар якунлаш кўзда тутилган.

Бу жараёнда ҳудуднинг экологик хусусиятлари инобатга олинмоқда. Айниқса, Орол денгизининг қуриши оқибатида юзага келаётган туз ва чанг заррачалари Олот ва Қоракўл туманлари орқали бутун республикага тарқалади. Шу боис бир тупи 60 килограммгача тузни ўзида сақлаб қолиш хусусиятига эга кўктерак дарахти кўчатларини экишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ташаббуснинг яна бир эътиборли жиҳати — якка-ёлғиз ва ногиронлиги бўлган фуқаролар томорқасига 10 тупдан мевали, 20 тупдан манзарали дарахт кўчатлари ўтқазиб беришдир. Бундан кўзланган мақсад фақат ҳовлига яшил тус бериш эмас, балки инсонларнинг кўнглини кўтариш, дарахтлар соясида ҳордиқ чиқаришларига шароит яратишдир.

### ЭКОЛОГИК МУҲИТНИ ЯХШИЛАШ САРИ

— Жорий йилда ҳудудда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 12 минг 161 туп кўчат экиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирга қадар 6 минг тупдан ортиғи ерга қадаб бўлинди, **— дейди Когон туманидаги “Ўба чўли” маҳалласи раиси Нозимжон Ҳайдаров.** — Бу жараёнда иқлим шароити ва аҳолининг эҳтиёжлари инобатга олиниб, асосан мевали дарахтларга устуворлик берилмоқда. Хусусан, нок, узум, шафтоли ва ўрик кўчатлари кўпроқ экилмоқда.

Бинобарин, ёз ойларида ҳаво ҳарорати анча юқори бўладиган ҳудудимизда дарахтларни кўпайтириш нафақат ҳосилдорликни ошириш, балки экологик муҳитни яхшилаш, ҳавони тозалаш ва табиий соя-салқинликни кўпайтиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Маҳалламиздаги кўплаб хонадон эгалари ҳовлисига нок ва ўрик кўчатларини экиб, уларни ўз қўли билан парваришлашга киришди. Уларнинг айтишича, ёзнинг жазирама кунларида ҳовлида дарахт соясида ўтиришнинг ўзи бир роҳат. Қолаверса, бугун экилган мевали дарахтлар келажакда фарзандлар учун барака манбаига айланади.

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

### ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ДАРАХТИ БЎЛАДИ

Аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган ҳашар — бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат тимсолидир. Бугун бу анъана Фарғона вилоятида янгича мазмун билан бўй кўрсатмоқда. Хусусан, маҳаллаларни обод қилиш ва эзгу қадриятларни давом эттириш мақсадида ҳар жума — қабристонлар ободлиги куни, шанба ва якшанба эса — “Яшил макон” ва маҳаллалар ободлиги кунлари этиб белгиланди.

Айни кунларда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг кузги мавсумида вилоят бўйлаб 11 миллион тупдан ортиқ мевали ва манзарали кўчат экиш режалаштирилган. Шундан 2 миллион тупи маҳаллалар кесимига тўғри келади. Кўчалар, йўлаклар, ариқлар тозаланиб, яшил ҳудудлар кенгайтирилмоқда. “Ҳар бир экилган кўчат — келажакка совға, ҳар бир эзгу иш эса маҳалламиз ободлигига қўшилган ҳисса”, деган ғоя бугун барчанинг шиорига айланган.

### КЕЛАЖАК НИҲОЛИ БИЛАН БОШЛАНГАН ҲАРАКАТ

Табиат ва яшиллик инсон ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга. Дарахтлар, ўт-ўланлар ва ўрмонлар нафақат кислород манбаи, балки экологик мувозанатни сақлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Олтиариқ туманидаги ҳар бир маҳаллада умуммиллий лойиҳа кўтаринки руҳда давом этмоқда.

— Болаликда бобом ҳовлимизга ёнғоқ экиб: “Бу дарахтнинг мевасини мен эмас, сен ва сенинг фарзандларинг ейди”, деган эди. Ўшанда бу гапнинг маъносини унчалик тушунмаганман, **— дейди Олтиариқ туманидаги “Оқ олтин” маҳалласи раиси Равшан Содиқов.** — “Яшил макон” лойиҳаси нега айнан умуммиллий ҳаракат деб номланганига бугунги ҳашарда жавоб топдим. Лойиҳанинг асл кучи — унда ёшу қарининг бирдек, чин дилдан қатнашишида экан. Биз бугун шунчаки дарахт экмаяпмиз, балки фарзандларимиз қалбига табиатга меҳр уруғини қадаяпмиз. Ҳар бир оила ўз ниҳолини парваришласа, маҳалламиз яқин йилларда чинакам сўлим гўшага айланади.

Ҳашарда эътиборимни 7 ёшли Саодатхон Усмонова тортди. Онаси билан қўлида бир ниҳол кўтариб келган қизалоқнинг иштироки бошқаларга ҳам ўзгача руҳ бағишлади. Шу куни маҳалладаги 4 гектарлик “Яшил ҳудуд”нинг дастлабки 2 гектарига кўчатлар ўтқазилди. Энди бу боғда кичкина Саодатхоннинг ҳам ўз дарахти бор.

### АЖДОДЛАР РУҲИ ВА ТАБИАТ УЙҒУНЛИГИ

Фарғона шаҳрида 381 туп дарахт кўчатлари экиш режалаштирилган бўлиб, айни дамда ҳаракат қизғин тус олган.

— Ёзнинг жазирама кунларида йўловчилар маҳалламиздаги кекса чинор соясида бир пиёла чой ичиб, нафас ростлаганини кўп кўраман. Ўшанда ўтган аждодларимиз ҳаққига дуо қилишади, **— дейди Фарғона шаҳридаги “Беш бола” маҳалласи раиси Расулжон Сайидалиев.** — Табаррук қадамжоларга кирганда инсон қалбида шундай сокинлик ва шукроналик уйғонади. Биз аждодлар бошлаган шу эзгу анъанани давом эттиришга аҳд қилдик. Зиёратгоҳ атрофини нафақат обод қилиш, балки уни ёшлар учун маънавият ва экологик тарбия масканига айлантириш ташаббуси билан чиқдик.

Шу мақсадда Сирпўш ота зиёратгоҳидаги бўш ер майдонига 7 турдаги 500 туп манзарали ва соя-салқин берувчи дарахт кўчатлари экилди. Бу ташаббус шаҳар ҳавосини тозалаш билан бирга, маънавий муҳитни янада бойитишга хизмат қилади.

### УЧ АВЛОД БИРЛИГИ ВА ҲАШАР КУЧИ

Қўштепа туманида кўчат экиб, боғ яратиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини юксак савияда, уюшқоқлик билан ўтказиш ишлари бошланди. Жами 672 минг 700 туп кўчат экишга киришилган бўлиб, Ижтимоий реестрдаги оилалар хонадонларига кўчатлар бепул етказиб берилмоқда.

— Яқинда маҳалламиздаги 80 ёшли отахон набирасининг қўлидан тутиб, белкурак кўтариб чиққанини кўриб кўзимга ёш келди. Ёши улуғ инсоннинг “Мен экаман, сен суғорасан”, деган сўзлари бутун маҳаллага ибрат бўлди, **— дейди Қўштепа туманидаги “Лангар” маҳалласи раиси Тўйчибой Ҳайдаров.** — Халқимизда “Бўлинганни бўри ер, айрилганни айиқ”, деган пурмаъно нақл бор. Ўзбекнинг ҳашари шунчаки меҳнат эмас, балки уч авлод ўртасидаги меҳр-оқибат кўпригидир. Биз “Ҳар бир нуроний дан — бир ниҳол, ҳар бир ёшдан — парвариш” ташаббусини бошладик. Кўчатларни бепул тарқатиш орқали эҳтиёжманд оилаларнинг ушбу умуммиллий ҳаракатдан четда қолмаслигини таъминладик.

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

### ҲАР БИР КЎЧАТНИНГ ЎЗ ЭГАСИ БОР

Атрофни ободонлаштириш, яшил ҳудудларни кўпайтириш нафақат бугунги кун учун, балки авлодларимиз биздан кейин ҳам муносиб табиий муҳитда яшаши учун зарур. Шу боис Наманган вилоятидаги маҳалларда яшовчи ҳар бир инсон “Яшил макон” лойиҳаси доирасида фаол иштирок этмоқда. Бу мавсумда вилоят бўйича 10 миллион 500 минг туп кўчат экиш белгиланган бўлиб, Чортоқ тумани маҳаллаларида 150 минг 138 туп ниҳол ерга қадалди. Ҳашар давомида қабристон ҳудуди тартибга келтирилиб, зиёратчилар учун қўшимча бино қурилиши бошлаб юборилди.

— Ўтган йили катта йўл бўйига экилган ўнлаб кўчатлар ёз чилласида сувсизликдан қуриб қолганини кўриб, ачинган эдим. Кўпнинг мулки баъзан эгасиз қолиб кетаркан, **— дейди Чортоқ туманидаги “Бешкапа” маҳалласи раиси Иззатилла Рустамов.** — Энди эски хатоларни такрорламаймиз. Биз “Ҳар бир кўчатга — шахсий масъулият” тизимини йўлга қўйдик. Экилган ниҳоллар ҳудуддаги корхона, ташкилот ва фермер хўжаликларига бириктирилди. Энг муҳими, сувсизликдан қақраб ётган адирликдаги қабристонга сув чиқаришга эришдик. Энди экилган бирорта кўчат қаровсиз қолмайди.

### ЎТГАНЛАРГА ҲУРМАТ — ТИРИКЛАРГА ИБРАТ

Уйчи туманида умуммилиий лойиҳа доирасида режалаштирилган 155 минг 541 туп кўчатларни ўтқазиш ишлари бошлаб юборилди.

— Ҳайит арафасида ота-онасининг қабрини зиёрат қилишга келган ҳамқишлоғимиз нураб қолган деворни кўриб “Шу жойни ўзимиз ҳашар қилиб тикласак бўлмайдими?”, деб қолди. Бу гап барчамизни уйғотиб юборди, **— дейди Уйчи туманидаги Навоий номидаги маҳалла раиси Аъзамжон Имомалиев.** — Чунки ўтганларни хотирлаш ва улар мангу қўним топган жойни озода сақлаш — тирикларнинг муқаддас бурчи. Биз Тутзор қабристонини обод қилиш баробарида, унинг инфратузилмасини тўлиқ янгилаш ташаббуси билан чиқдик. Ҳашар кучи билан 120 метр эски девор ўрнига бетон асосли янги қўрғон барпо этдик ва бўш майдонга 200 туп манзарали кўчат ўтқаздик. Бу ишлар ёшларимиз учун энг яхши ибрат мактаби бўлади.

### ТУНУ КУН ҚАЙНОҚ ҲАЁТ ВА ЯШИЛ НАФАС УЙҒУНЛИГИ

Давлатобод туманидаги маҳаллаларда кузги мавсумда 11 минг 374 туп кўчат экиш белгиланган.

— Кечки салқинда ойласи билан сайрга чиққан одамлар гавжум кўчада чанг ва шовқиндан эмас, балки яшил дарахтлар остида сайр қилиб, баҳри дили очилишини истадик, **— дейди Давлатобод туманидаги “Гулобод” маҳалласи раиси Сабоҳат Мадраҳимова.** — Гавжум ва тинимсиз ҳаракатдаги кўчалар инсонга нафақат хизмат кўрсатиши, балки тоза ҳаво ва ором ҳам бериши керак. Биз туну кун хизмат кўрсатиш кўчасини чинакам “яшил йўлак”ка айлантириш ташаббусини илгари сурдик. Ҳудуд иқлимига чидамли, кўп соя берадиган чинор, шумтол, тут, заранг ва қайрағоч каби дарахтларни танладик. Тадбиркорларимиз ҳам дўкон ва офислари олдидаги дарахтларни суғориб, парваришлашни ўз зиммаларига олишди.

Ҳашар давомида кўча бўйлаб 1 000 тупдан зиёд манзарали дарахт кўчатлари экилди. Бу эса келгусида аҳоли ва меҳмонлар учун хушманзара, салқин ва экологик тоза муҳит яратишга хизмат қилади.

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

### ЧЎЛЛАРГА БАХШ ЭТИЛГАН ЯШИЛ НАФАС

*маҳаллаларда эзгулик боғлари яратилмоқда*

Жиззах деганда, кўз ўнгимизда бепоён даштлар, ёзи иссиқ, шамоли эса тез-тез чанг кўтарадиган кенгликлар гавдаланади. Бу заминда бир туп дарахтни кўкартириш — шунчаки ободончилик эмас, балки табиат билан тиллашиш, келажак авлодга соф ҳаво ва соя-салқин мерос қолдириш демакдир. Шу боис ҳам “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси жиззахликлар учун алоҳида аҳамиятга эга.

Жорий йилда вилоят бўйича жами 10 миллион 822 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экиш режалаштирилган бўлиб, маҳаллалар кесимида 1 миллион 593 минг туп ниҳол ерга қадалмоқда. Айни кунларда кузги мавсум қизғин паллага кирган. Энг қувонарлиси, бу ишлар шунчаки рақамлар ортидан қувиш эмас, балки ҳар бир маҳалланинг ўз қиёфасини янгилашга қаратилган амалий ҳаракатга айланди.

### ЯНГИ МАВЗЕ БАҒРИДАГИ “ЯШИЛ ХИЁБОН”

— Янги қурилган кўп қаватли уйларга кўчиб ўтган ёш оилалар кечки салқинда фарзандларини етаклаб, соя-салқин жой излаб юрганини кўп кузатардим. “Қани энди шу ерда сўлим бир хиёбон бўлса”, деган ўй менга тинчлик бермасди, **— дейди Шароф Рашидов туманидаги “Тоқчилик” маҳалласи раиси Ориф Фозилов.** — Мана, ниятимизга етдик. Жорий йил маҳалламизда 3 523 туп кўчат экишни режалаштирган эдик, ҳозиргача унинг 1 минг тупи ерга қадалди. Аҳолимиз ёрдамида қаровсиз, бўш турган ерлар бутунлай янги қиёфага кирмоқда. Энг қувонарлиси, бугун одамларни ҳашарга чақиришга ҳожат қолмаяпти — уларнинг ўзлари ташаббус кўрсатиб, кўчат сўраб чиқишяпти. Биз маҳаллада “Ҳар бир оила — бир дарахтга масъул” ва “Янги уйга — янги ниҳол” ташаббусларини йўлга қўйдик. Энди ҳар бир хонадон эгаси ўз деразаси остидаги дарахтни фарзандидек парваришлаб, уй олдидаги хиёбонни ўз боғидек асраб-авайлайди.

### МИРЗАЧЎЛ БАҒРИДАГИ УМИД НИҲОЛЛАРИ

— Ота-боболаримиз Мирзачўлни ўзлаштирганда, энг аввало, ариқ қазиб, бўйига чинор ва терак эккан экан. Чунки дарахт бор жойда барака, салқинлик ва ҳаёт бўлади, **— дейди Дўстлик туманидаги “Чинобод” маҳалласи раиси Умида Хушвақтова.** — Аждодлар анъанасини давом эттириб, маҳалламиздаги бўш ер майдонларига 1 минг 400 туп манзарали кўчат экишни режа қилгандик. Аҳолимизнинг ғайрати билан режани ортиғи билан бажариб, ҳозиргача 1 минг 600 туп кўчат ўтқаздик. Дўстликнинг иқлими ўзига хос — тупроғи шўрроқ, ёзи эса анча иссиқ. Шу боис мутахассислар билан маслаҳатлашиб, айнан шу шароитга чидамли, илдизи бақувват навларни танладик. Алоҳида қайд этиш керакки, бугун кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолимиз ўз уйлари олдида мўъжазгина яшил боғлар барпо этишяпти. Маҳалла фаоллари билан “Обод ҳовли — яшил маҳалла” акциясини бошлаб, уларга кўчатларни бепул етказиб беряпмиз. Мақсадимиз — маҳалламизни номига монанд чинакам обод ва сўлим масканга айлантириш.



### МУСТАҲКАМ СУВ ТИЗИМИ ВА КЕЛАЖАК УЧУН ЯШИЛ ҚАЛҚОН

— Илгари баҳорда экилган кўчатларнинг айримлари ёз чилласида сув танқислиги сабаб қуриб қолганини кўриб, рости, дилимиз хира бўларди. Дарахт экишнинг ўзи кифоя эмас, унга жон берадиган сув ва доимий парвариш керак экан, **— дейди Шароф Рашидов туманидаги “Оқтош ота” маҳалласи раиси Тожимуҳаммад Турдибоев.** — Бу сафар ишни пухта режа ва янгича ёндашув билан бошладик. Маҳалламиз ҳудудидаги белгиланган майдонларга 981 туп манзарали дарахт ва бута кўчатлари экилмоқда. Энг муҳими, вилоятимиз миқёсида бу йил кўчатларнинг кўкарувчанлигини таъминлаш учун улкан инфратузилма яратилди. 9 та суғориш қудуғи қазилиб, 13,6 километр масофада замонавий суғориш тизимлари барпо этилди ва 22 та махсус суғориш техникаси жалб қилинди. “Экилдими — демак, кўкариши шарт!” тамойили асосида ҳар бир кўчага алоҳида боғбон ва масъул ёшларни бириктирдик. Бу шунчаки кўчат экиш эмас, балки фарзандларимиз келажаги учун бунёд этилган мустаҳкам яшил қалқондир.

Жиззах маҳаллаларида бошланган бу эзгу ишлар шуни кўрсатмоқдаки, “Яшил макон” лойиҳаси бугун шунчаки мавсумий тадбир эмас, балки халқимизнинг табиатга бўлган муносабатини тубдан ўзгартираётган ҳаётий мактабга айланди. Сув чиқарилган, эгаси тайинланган ва чин меҳр билан қадалган ҳар бир ниҳол эртага Жиззах осмонини мусаффо, маҳаллаларини эса файзли ва салқин гўшага айлантириши шубҳасиз.





**2026 йилнинг январь-октябрь ойларида 61 736 нафар чет эл фуқаролари ДАВОЛАНИШ МАҚСАДИДА ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛГАН.**



**Мўйноқ туманида “Камбағалликдан фаровонлик сари” ҳаракати доирасида МАХСУС АСБОБ-УСКУНАЛАР ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛДИ.**



**“Turkic Individual Chess Championship 2026” мусобақасида терма жамоамизнинг 3 нафар аъзоси СОВРИНЛИ ЎРИНЛАРГА ДАЪВОГАРЛИК ҚИЛЯПТИ.**



ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

# “Ёлғизлик ташвишига меҳр тафтидир даво”

**Эшикни тақиллатиб, ичкаридан жавоб кута бошладим. Бироздан сўнг дарвоза очилди. Қаршимда ёши улуғ, бир ўзи яшайдиган кекса онахон турибди. Ҳол-аҳволини сўрагач, уйига кирдим.**



**Покиза ЭРНАЗАРОВА, Оҳангарон туманидаги “Ғўшсой” маҳалласи ижтимоий ходими.**

Унинг кундалик эҳтиёжлари, саломатлиги, озиқ-овқат ва бошқа зарур нарсалар билан таъминлангани ҳақида суриштирдим. Суҳбат давомида баъзан кексалар учун энг катта ёрдам моддий кўмак эмас, балки уларни йўқлаб келадиган, гапларини тинглайдиган инсоннинг борлиги эканини яна бир бор ҳис этдим.

Бундай хонадонларга ташриф буюриш менинг кундалик вазифаларимдан бири. Ижтимоий ходим сифатида ҳудудимиздаги оилаларнинг аҳволини ўрганиш, эҳтиёжини аниқлаш ва зарур ёрдамни ташкил этишга ҳаракат қиламан. Чунки ҳар бир хонадоннинг ўз ташвиши, ҳар бир инсоннинг ўз дарди бор. Муҳими, уларни ўз вақтида кўра билиш ва муаммонинг ечимини топишдир.

2026 йил бошидан буён кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва болалар нафақасини тайинлаш бўйича 68 та ариза расмийлаштирилди. Уларнинг 43 таси бўйича аниқ натижаларга эришдик. Бу кўрсаткичлар ортида фарзандлари келажаги учун қайғураётган, оиласини таъминлашга интилаётган ота-оналарнинг умиди мужассам.

Менинг асосий мақсадим — эҳтиёжманд оилаларга бир марталик ёрдам бериш билангина чекланмасдан, уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш. Шу мақсадда ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш, имтиёзли кредитлар олишига кўмаклашишга ҳаракат қиляпмиз. Натижада 13 та оиланинг моддий аҳволи яхшиланди. Энг қувонарлиси, уларнинг турмуш шароити барқарорлашиб, Ижтимоий реестрдан чиқарилди.

Айни пайтда “маҳалла еттилиги”нинг қарори асосида 30 та оила Ижтимоий реестрда ҳисобда турибди. Уларнинг ҳар бири билан манзилли ишлаш, мавжуд муаммоларини босқичма-босқич ҳал этиш ишларини давом эттиряпмиз. Шунингдек, реестрдаги 23 нафар фуқародан “Саховат ва кўмак” жамғармаси орқали озиқ-овқат ва кийим-кечак маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича аризалар олиниб, тегишли маблағлар ажратилди.

Маҳалламизда ўзгалар парваришига муҳтож бўлган икки нафар ёлғиз кекса истиқомат қилади. Уларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш, ҳолидан хабар олиш ва зарур ижтимоий хизматлар кўрсатиш доимий эътиборимизда.

Ногиронлиги бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан. Хусусан, 12 нафар фуқарога ногиронлик гуруҳини белгилаш, қайта белгилаш ёки ўзгартириш бўйича тегишли аризалар киритилиб, уларнинг масалалари ижобий ҳал этилди.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган 9 нафар шахсга протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини харид қилиш учун субсидиялар ажратилишига кўмаклашдик. Ҳозирда соғлиғида муаммолари бўлган яна уч нафар фуқаронинг ногиронлигини белгилаш масаласида Оҳангарон тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига ариза киритилган.

Келгусида ҳам маҳалла еттилиги ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ёлғиз кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ишларини изчил давом эттирамиз.

Мақола аввалидаги кекса онахоннинг уйидан чиқар эканман, унинг кўнгли кўтарилганини кўриш менга ҳам қувонч бағишлади. Чин дилдан ва самимий руҳда ўтган суҳбатдан ўзим ҳам анча енгил тортдим. Фуқарони қийнаётган барча муаммоларга муносиб ечим топиб беришни мақсад қилиб кейинги манзил сари йўл олдим...



**Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.**

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

# “Раис кеча кўчамиздан ўтган эди...”

**Иш кунимни идора эшигини очишдан эмас, маҳалла кўчаларини айланишдан бошлайман. Хонадонларга кириб, аҳоли билан суҳбатлашишни доимий одатга айлантирганман. Сабаби, одамлар дардини юзидан, гап-сўзидан, уйидаги вазиятдан англаш осонроқ. Шунинг учун кўзим билан кўрган, қулоғим билан эшитган ҳар бир ҳолатни ўзим учун вазифа қилиб белгилаб оламан.**

**Гулбаҳор ҒУЛОМХОНОВА, Пискент туманидаги “Бекобод” маҳалласи раиси.**



Бир куни Абдулла Авлоний кўчасидан ўтаётиб, айрим жойларда кўча ёритгичлари ишламаётганига кўзим тушди. Буни шунчаки қайд этиб ўтиб кетмадим. Эртаси куниёқ муаммони ҳал қилиш чораларини кўрдик. Бу билан одамлар хаёлида “Раис кеча кўчамиздан ўтган эди, бугун муаммомизни ҳал қилибди”, деган фикр уйғонади. Ана шу эътибор ва муносабат одамлар билан орамиздаги ишончни мустаҳкамлайди.

Халқ ишончига эришиш учун кўп гапириш шарт эмас, астойдил ишлаш керак. Одамлар ваъдага эмас, натижага қарайди. Шу боис баъзан маҳалла ташвишларини оиламникидан устун қўйган пайтларим бўлади. Буни оғирлик эмас, зиммамдаги масъулият деб биламан.

Маҳалламизда узумчилик ва деҳқончилик аҳоли даромадининг муҳим йўналишлари ҳисобланади. Деярли ҳар бир хонадонда ток бор. Айниқса, “Ҳусайни”, “Қора чарос”, “Ризамат” каби навлар кенг тарқалган. Томорқасидан оқилона фойдаланаётган хонадонлар йилига узумчилик орқали ўртача 50 миллион сўмгача даромад топмоқда.

Бу рақамлар ортида йил бўйи қилинган меҳнат, ерга бўлган меҳр ва тадбиркорликка интилиш мужассам. Шу сабаб аҳоли бандлигини таъминлашда мавжуд имкониятларни ишга солишга ҳаракат қиламиз. Ҳамкор ташкилотлар билан ишлаш, аҳолини имтиёзли кредит ва субсидиялардан хабардор қилиш, янги даромад манбаларини яратишга кўмаклашиш кундалик вазифаларимиздан бири.

Айниқса, меҳнат миграциясида бўлган фуқароларни юртимизга қайтариш ва уларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратдик. 2020 йилларда маҳалламиздан 90 нафарга яқин киши хорижга ишлаш учун кетган эди. “Еттилик” саъй-ҳаракати билан бугун уларнинг кўпчилиги қайтиб, ўз юртида меҳнат қилиш имкониятига эга бўлди.

Бугун юртимизда ишлаш учун шароитлар кенгайиб бормоқда. Буғдойдан бўшаган ер майдонларидан фойдаланиш, имтиёзли кредит ва субсидиялар орқали чорвачилик, деҳқончилик, тикувчилик, кимёвий ўғит тайёрлаш каби йўналишларда тадбиркорлик ривожлантириляпти. Бизнинг вазифамиз ана шу имкониятларни аҳолига етказиш, ташаббусни қўллаб-қувватлаш ва унинг натижа беришига кўмаклашиш.

Инсонга бир марта ёрдам беришдан кўра, унга доимий даромад топиш йўлини кўрсатиш муҳимроқ. Чунки касб-ҳунарли одам ўз келажагига ишонч билан қарайди, оиласи эҳтиёжини ўзи таъминлай олади.

Шу мақсадда маҳалла идорамизнинг имкониятларидан унумли фойдаланишга қарор қилдик. Бино жойлашган ҳудуд кенг эди. Уч ой давомида таъмирлаш ишларини олиб бориб, бўш хоналардан унумли фойдаланишни йўлга қўйдик.

Натижада бир камбағал оила фарзандига 50 миллион сўм маблағ ажратилди. У ўн нафар тенгдошини ишга жалб қилди. Субсидия асосида 15 та тикув машинаси олиб, чеварчиликни бошлади. Ҳозир улар тикувчилик сирларини ўрганиш билан бирга, даромад ҳам топяпти.

Идорамизда пазандачилик йўналишини ташкил этдик. Нафиса Ҳакимова ёшларга пиширикдар тайёрлашни ўргатмоқда. Улар биргаликда маҳсулот тайёрлаб, сотиш орқали даромад олишяпти. Айниқса, уйда ўтирган хотин-қизлар учун бу яхши имконият бўлди. Энг қувонарлиси, опа-сингилларимиз нафақат пул топишни, балки ўз меҳнатига баҳо беришни, мустақил қарор қабул қилишни ўрганишяпти.

Эндиги ниятимиз — маҳалла ҳудудида болалар спорт майдончасини ташкил этиш. Бу борада ҳамкор ташкилотлар билан иш олиб боряпмиз, ер масаласини ҳал этиш чораларини кўряпмиз. Чунки ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни спортга қизиқтириш маҳалла зиммасидаги муҳим вазифалардан бири.

Ҳар бир ҳудудда кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида катта тажриба тўплаган инсонлар бор. Улар орасида нафақадаги педагоглар, шифокорлар, турли соҳа фахрийлари кўп. Уларнинг ҳаётий тажрибаси, одамлар билан ишлаш маҳорати, касбий билими ёш кадрлар учун катта мактаб бўла олади.

Айниқса, маҳалла тизимига эндигина кириб келган ходимлар учун аҳоли билан мулоқот қилиш, оилавий муаммоларни ўрганиш, мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш бўйича амалий тажриба жуда зарур. Шунинг учун фахрийларни ёш мутахассисларга бириктириб, мунтазам тажриба алмашиш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

# “ҲАР АЁЛ ҚАЛБИДА ГУЛЛАЁТГАН ОРЗУСИ БОР”

**Аёл ўз ҳуқуқларини биладими? Қонунчиликдан хабардорми? Бирор муаммога дуч келса, кимга мурожаат қилиш ҳақида маълумотга эгами? Оила аъзолари билан муносабатлари қандай? Моддий жиҳатдан қийналмаяптими? Булар шунчаки савол эмас, маҳалланинг умумий қиёфасини очиб берадиган нозик жиҳатлар.**



**Ўғилжон ШАРИПОВА, Шовот туманидаги “Катқалъа” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.**

Аслида, аёлнинг муаммосини ҳал қилишдан олдин унинг ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш керак. Ўз ҳуқуқини билган, имкониятларидан хабардор бўлган аёл ҳаётидаги қийинчиликни осон енгиб ўтади.

Бугун маҳалламизда хотин-қизларнинг ҳаётга муносабати, интилишлари анча ўзгарган. Айниқса, таълим олишга бўлган қизиқиш ортиб бораётгани эътиборга лойиқ. Илгари ўрта маълумот билан чекланган айрим аёллар бугун олий таълим муассасаларида таҳсил оляпти. Ёш келинлар ҳам ўқишни давом эттириб, билим ва малакасини оширишга ҳаракат қилмоқда. Оилавий юмушлар, фарзанд тарбияси ва кундалик ташвишлар орасида яна таълим олишга бел боғлашнинг ўзи катта жасорат.

Опа-сингилларимизнинг фикрлаш доирасини кенгайтиришда маҳаллаларда кутубхоналар ташкил этишнинг аҳамияти катта. Китоб инсонни ўйлашга, изланишга, дунёга кенгроқ назар билан қарашга ўргатади. Айниқса, фарзанд тарбиялаётган оналарнинг билим ва дунёқараши кенгайиши оила муҳитига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, маҳаллаларнинг ўзида спорт билан шуғулланиш учун шароит яратиш керак. Аёллар ва қизлар учун қулай спорт майдончалари, соғломлаштириш машғулотлари ташкил этилса, уларнинг саломатлиги мустаҳкамланади, бўш вақти мазмунли ўтади. Баъзан одамларга катта имкониятлар эмас, яшаш жойига яқин, фойдаланиш мумкин бўлган оддий шароитнинг ўзи етарли.

Маҳалламизда истиқомат қилувчи Дилдора Раҳимова ҳозирда уй шароитида пиширик тайёрлаш билан шуғулланади. Унинг ёнида икки нафар қиз меҳнат қилмоқда. Дилдоранинг мақсади фақат ўз оиласи учун даромад топиш эмас, балки бу фаолиятни кенгайтириб, бошқа хотин-қизларни ҳам иш билан таъминлаш.

Айни пайтда янги йилдан унинг алоҳида бинода пиширик тайёрлаш фаолиятини йўлга қўйиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилмоқда. Бу ташаббус амалга ошса, иш ўринлари кўпаяди, яна бир нечта аёл ўз меҳнати билан даромад топиш имконига эга бўлади.

Мен бундай ташаббусларнинг ҳар бирида катта маъно кўраман. Чунки бугун икки нафар қиз билан бошланган иш эртага ўнлаб хотин-қизларни бирлаштириши мумкин. Муҳими, бир аёлнинг ҳаракати бошқаларга ҳам ишонч ва рағбат беради.

Ҳар бир аёлнинг қалбида амалга ошишини кутаётган бир орзу бор. Кимдир ўқишни давом эттиришни, кимдир ўз тадбиркорлигини бошлашни, яна бировлар эса фарзандларига муносиб келажак яратишни истайди. Фақат баъзан бу мақсадлар рўёби учун йўл-йўриқ, рағбат ва кўмак керак бўлади.

Биз маҳалла ходимлари ана шу йўлда кўмакчи бўлишимиз лозим. Аёлнинг муаммосини ўрганиш билан бирга, унинг имкониятларини ҳам кўра билиш, ташаббусини қўллаб-қувватлаш муҳим. Чунки хотин-қизларга яратилган шароит, берилган имконият ва билдирилган ишонч эртага бутун оила ҳаётида ўз ифодасини топади.



НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

# Ипни игнадан ўтказиб, ИМКОНИЯТНИ ДАРОМАДГА АЙЛАНТИРГАНЛАР

**Аёлнинг қўлида касб, қалбида ишонч, хонадонида барака бўлса, нафақат унинг, балки бутун оиланинг ҳаёти ўзгаради. Баъзан биргина тикув машинаси орзуни рўёбга чиқарса, баъзан кичик бир тикув цехи ўнлаб хотин-қизлар учун ризқ эшигини очади. Муҳими, бундай ташаббуслар ортида ўз меҳнати билан бошқаларга ҳам имконият яратаётган тадбиркор аёллар бор.**

**Маърифат ОТАБОЕВА, Когон тумани Баҳоуддин Нақшбанд номидаги маҳалла хотин-қизлар фаоли.**

Маҳалламизда хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг касбий салоҳиятини юзага чиқариш ва мустақил даромад манбаига эга бўлиши учун шароит яратиш борасидаги ишлар эътиборга молик.

Бу борада Инобат Жалилованинг ташаббуси алоҳида аҳамият касб этади. У ташкил этган “Нақшбанд ҳунармандлари” масъулияти чекланган жамияти бугун нафақат тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда, балки ўнлаб хотин-қизларга касб ўрганиш ва меҳнат орқали даромад топиш имконини бермоқда.

Корхонада болалар кийим-кечаклари, миллий либослар, аёллар кийимлари ва чойшаблар дид билан тикилади. Маҳсулотларнинг харидоргирлиги эса тикувчилар меҳнати, сифат ва буюртмачилар талабини ўрганишга бўлган эътибор натижасидир.

Энг муҳими, тадбиркор ўз фаолиятини фақат шахсий даромад олиш билан чекламаган. Маҳалладаги ишсиз хотин-қизларни касбга ўргатиш мақсадида 15 нафардан зиёд аёл тикув цехига жалб этилган. Уларнинг 13 нафари ҳунар сирларини пухта ўзлаштириб, корхонага ишга қабул қилинган. Бошқалари эса касаначилик асосида меҳнат қилиб, мунтазам даромад топмоқда.

Айниқса, иш билан таъминланганлар орасида ногиронлиги бўлган аёллар ҳам борлиги эътиборга лойиқ. Корхонада шундай тоифадаги олти нафар аёл меҳнат қилиб, ўз имконияти ва қобилиятига яраша даромад топмоқда. Бу эса тадбиркорликнинг ижтимоий аҳамиятини янада оширади.

Тайёр маҳсулотлар ички бозорда сотилиши билан бирга, интернет-дўконлар орқали ҳам харидорларга етказилмоқда. Натижада кичик ишлаб чиқариш ташаббусининг ойлик даромади ўртача 30 миллион сўмдан ошмоқда.

Инобат Жалилованинг ташаббуси яна бир ҳақиқатни намоён этади: хотин-қизлар бандлигини таъминлаш фақат давлат берадиган имтиёз ва ёрдамларга боғлиқ эмас. Тадбиркорликка интилиш, маҳалладаги меҳнат ресурсларини тўғри йўналтириш, иш ўргатиш ва бозор талабига мос маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам муҳим омилдир.

Албатта, бундай ташаббусларни кенгайтириш, касаначилик билан шуғулланаётган аёлларнинг маҳсулотларини сотиш бозорини янада кенгайтириш, уларни замонавий ускуналар ва хомашё билан таъминлаш, янги буюртмачилар билан боғлаш келгусидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.



**Мирзаобод туманининг “Наврўз” маҳалласида аҳоли муаммоларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш мақсадида сайёр қабул ўтказилди.**



**Касби туманидаги “Хўжақарлиқ” маҳалласида “Яшил макон” лойиҳаси доирасидаги амалий семинар ўтказилди.**



**Нурота туманининг “Янги ҳаёт” маҳалласида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш мавсуми бошланди.**

Mahalla №94 2026 ЙИЛ 21 НОЯБРЬ, ШАНБА

*Энг қувонарли жиҳат — ҳар бир фуқаро ўз уйи ва кўчасининг эгаси эканини ҳис қилмоқда*



ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

**Инсон ҳаётида шундай даврлар бўладики, нотўғри ташланган биргина қадам бутун умрлик тақдирни белгилаб беради. Бу — ёшлик давридир. Орзулар ушаладиган, илм олиб, жамиятда ўз ўрнини топадиган олтин фасл.**

# ЖАЗОЛАШ ЭМАС, ТАРБИЯЛАШ ОРҚАЛИ ЖИНОЯТЛАР ҚИСҚАРМОҚДА

**Юсуфжон МАЪРУПОВ,**
**Чилонзор туманидаги “Катта Навбаҳор” маҳалласи профилактика инспектори.**

Бугун юртимизда ёшларнинг билим олиши, замонавий касб-ҳунар эгаллаши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Бироқ, орамизда ана шу бебаҳо имкониятдан тўғри фойдаланиш ўрнига, осон пул топиш илинжида келажагини ўз қўли билан барбод қилаётган йигит-қизлар учраб тургани афсусланарли.

Яқинда “Хавфсиз ва соғлом юрт” тезкор-профилактик тадбири доирасида хизмат фаолиятимни олиб бораётган маҳаллада бир йигитнинг бежо хатти-ҳаракатлари эътиборимни тортди. Уни тўхтатиб, шахсига аниқлик киритиш жараёнида у ўзини янада шубҳали тута бошлади. Холислар иштирокида ёнидаги сумкаси кўздан кечирилганда, кўк рангли ёпишқоқ тасма билан ўралган шубҳали моддалар борлиги аниқланди. Ҳужжатлаштириш жараёнида жами 38 та ўрамда тақиқланган моддалар рўйхатга олинди. Бундан ташқари, суриштирув давомида аллақачон 10 та жойга ушбу заҳри қотилни яширинча жойлаштириб қўйгани маълум бўлди.



Воқеа жойига зудлик билан тезкор ходимлар етиб келиб, ҳолатга қонуний баҳо берилди. Энг ачинарлиси, тақиқланган моддаларни хуфёна тарқатиш билан шуғулланиши фош этилган йигит эндигина 19 ёшга кирган, нуфузли олий ўқув юрти талабаси экан. Ота-онасининг умиди, эртанги куннинг мутахассиси бўлиши кутилган йигит нафс қулига айланиб, панжара ортига равона бўлди.

Умуман олганда, маҳалламизда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилган. Айни шу ишлар орқали ижобий натижаларга эришмоқдамиз. Айниқса, ҳудудимизда “Чилонзор тажрибаси” жорий этилгани фаолиятимизга янгича руҳ ва қўшимча куч бағишлади.

Бугунги шиддатли даврда жиноятчиликка қарши курашишда эскича усуллардан воз кечиб, илмий ёндашув ва рақамли технологияларни амалиётга татбиқ этиш ўзининг юксак самарасини бермоқда.

Хилват кўчалар, кўп қаватли уйларнинг кириш йўлаклари ва атрофларига юзни, шубҳали ҳаракатларни танийдиган рақамли кузатув мосламаларини ўрнатиш орқали яширин жиноятларни тезкор аниқлаш ва уларнинг олдини олиш имконияти кескин ошди.

Ҳудудда содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг вақти, жойи ва сабабларини илмий асосда таҳлил қилиб, “хавфли нуқталар” аниқланмоқда. Бу эса тунги навбатчилик ва кузатув гуруҳларини айнан ўша ҳудудларга мақсадли йўналтириш имконини бермоқда.

“Маҳалла еттилиги” ходимлари рақамли ҳамкорлик ўрнатишгани кучларни бирлаштирди. Ягона электрон маълумотлар базаси орқали ҳар бир хонадон муҳити таҳлил қилиниб, ишсиз ва назоратсиз қолган ёшлар билан манзилли ишлаш кучайтирилди.

Ижарада яшовчи талабаларнинг яшаш шароити ва дарсдан ташқари вақтда нима билан машғул эканлигини назорат қилиш, уларга ҳуқуқий-тарғибот ишларини жонли ва таъсирчан ҳаётий мисоллар орқали етказишни йўлга қўйдик.

Хулоса қилиб айтганда, 19 ёшли талабанинг аччиқ қисмати барчамиз учун жиддий сабоқ бўлиши керак. Ижтимоий тармоқлар орқали “мўмай даромад” ваъда қилаётган номаълум кимсаларнинг тузоғига тушиб қолиш — ўз ҳаётига болта уриш демакдир. Ота-оналар фарзандларининг қўл телефони, кимлар билан мулоқот қилаётгани ва қўлидаги пул қаердан келаётганига асло бефарқ бўлмасликлари шарт. Зеро, қонунбузарликка жазо муқаррар, аммо йўқотилган ёшлик ва синган тақдирни ҳеч нарса билан ортга қайтариб бўлмайди.

**Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.**



“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

# “ТАКЛИФНИ ТАШАББУСГА, ТАШАББУСНИ ИЛҒОР ТАЖРИБАГА АЙЛАНТИРДИК”

**Маҳалламиз Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг “ТОП-100” талик рейтингидан жой олганида, кўпчиликнинг хаёлига “бу натижага қандай эришдингиз?”, деган савол келган бўлиши табиий. Сабаби яқингача энг оғир тоифадаги ҳудуд ҳисобланардик. Хўш, қисқа вақтда эришилган натижамиз омили қандай?**

**Дониёр УМАРОВ,**
**Олтиариқ туманидаги “Гулобод” маҳалласи раиси.**



Ютуқлар ўз-ўзидан келиб қолмади. Бу хушхабарни эшитганимда, кўз олдимдан бундан уч-тўрт йил аввалги ҳолатимиз ўтди. Ўшандаги вазият маҳалла номига мос эмасди. Кўчаларимиз ёмғирли кунларда лой, ёзда чанг бўларди. Энг оғриқли масала — тоза ичимлик сув етишмаслиги эди. Аёлларимиз ва ёшларимизнинг вақти челак кўтариб сув ташиш билан ўтар, бу эса на тадбиркорликка, на томорқадан унумли фойдаланишга имкон берарди.

Бугун тумандаги чегараолди ҳудуд таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бу шунчаки қоғоздаги рақамлар эмас, балки маҳалла аҳлининг бир ёқадан бош чиқариб қилган меҳнати ва ислоҳотларнинг амалий натижасидир. Ҳар қандай тараққиёт инсон учун муносиб шароит яратишдан бошланади. “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори ҳаётимизда туб бурилиш ясади. Тоза ичимлик сув муаммоси ҳал этилди. Қарор доирасида ажратилган 1 миллиард 549 миллион сўм маблағ эвазига янги сув қудуғи қазилиб, замонавий насос, минора ва бактерицид ускунаси ўрнатилди. 3,1 километр узунликда янги тармоқ тортилиб, ҳимоя ҳудуди ўралди ва хонадонларга оби-ҳаёт кириб борди. Равон йўллар барпо этилди. 18,2 километр ички йўллар тўлиқ асфальтлаштирилди. Бу нафақат одамларнинг узоғини яқин қилди, балки ҳудудга тадбиркорлар ва мижозлар келишини осонлаштирди.

Инфратузилма яхшилангач, тадбиркорлик муҳити жонланди. Илгари кичик тиббий хизмат учун ҳам туман марказига қатнашга тўғри келарди. Яқинда замонавий тиббий технологиялар билан жиҳозланган янги стоматология клиникаси иш бошлади. Энг қувонарлиси, бу ерда ўзимизнинг 6 нафар маҳаллий мутахассис доимий иш ўрнига эга бўлди.

Ҳар қандай масала аҳолининг ҳамжиҳатлиги ва аҳиллиги билан ижобий ҳал этилмоқда. Бунинг ёрқин исботи сифатида яқинда халқимизнинг азалий қадрияти — ҳашар йўли билан замонавий маҳалла биноси барпо этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Янги масканда “еттилик” аъзоларининг самарали фаолият юритиши ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

Шу билан тўхтаб қолмоқчи эмасмиз. Олдимизда Қирғизистон Республикаси билан чегарадош ҳудудда жойлашган ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмай турган бўш ерларни ўзлаштиришдек катта режа турибди. Бу борада фаоллар ва мутахассислар билан ташаббусларни илгари суряпмиз. Жумладан, чегараолди боғдорчилик кооперативларини тузмоқчимиз. Бўш турган ер майдонларини ишсиз ёшлар ва эҳтиёжманд оилаларга бўлиб бериш орқали экспортбоп мевали боғлар яратишни мақсад қилганмиз.

Сув тежовчи технологияларни жорий этиб, боғларни тўлиқ томчилатиб суғориш тизимига ўтказиш сув исрофининг олдини олади, ҳосилдорликни оширади.

Хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш орқали янги иш ўринлари яратиш ниятидамиз. Шу боис марказий асфальт йўл бўйларида маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ва кичик савдо дўконлари ташкил этиш истагидаги тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратишга кўмаклашяпмиз.

Энг қувонарли жиҳат — ҳар бир фуқаро ўз уйи ва кўчасининг эгаси эканини ҳис қилмоқда. Бирдамлик, тўғри йўналтирилган маблағ ва аниқ мақсад бўлса, энг чекка ҳудуд ҳам намунали масканга айланиши мумкинлигини тажрибамизда исботладик.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

# “Хоҳиш бўлса, қийинчилик ва муаммолар тўсиқ эмас”

**Инсон қаерда яшамасин, меҳнатга меҳр қўйса, ташландиқ ерни ҳам гулзорга айлантира олади. Бир пайтлар “Солижонобод” маҳалласи, деганда кўпчиликнинг кўз ўнгига чўл ҳудуди, имконияти чекланган макон келарди. Аммо бугун бу ерга келган кишининг баҳри дили очилади. Чунки одамларимизнинг фидойилиги ва тадбиркорликка бўлган интилиши маҳалламизни ҳақиқий бўстонга айлантирди.**

**Сарвар ТЕШАБОЕВ,**
**Қўштепа туманидаги “Солижонобод” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси вазифасини бажарувчи.**



Ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш борасидаги ишларимизда асосий эътиборни аҳолининг ўз томорқасидан унумли фойдаланиши ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратяпмиз. Бу борада Араббой Маъмуровнинг тажрибаси барчага ўрнак бўлмоқда. 15 йил аввал кичик томорқада оддий ҳавас билан бошланган гулчилик бугун оиланинг асосий даромад манбаига айланган. Ҳозирда 1,5 гектар майдонда хризантема гуллари парваришланиб, буюртма асосида хонадонларга етказиб берилмоқда. Энг қувонарлиси, 5 нафар ака-ука биргаликда меҳнат қилиб, маҳалламиздаги яна 5 нафар ишсиз фуқаронинг бандлигини таъминлади.

Томорқачилик маданиятини ривожлантиришда Баҳромжон Мамасиддиқовнинг ҳам ҳиссаси катта. У томорқадан самарали фойдаланиш баробарида тенгдошларига ушбу соҳанинг сир-асрорларини ўргатиб келмоқда. Фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида ташкил этилган иссиқхона эса бутун оила аъзоларининг бандлигини таъминлади. Ҳозирда бу ерда етиштирилаётган редиска, исмалоқ ҳамда турли кўкатлар пешма-пеш бозор ва савдо дўконларига етказиб берилиб, оилага мўмай даромад келтирмоқда.

Яна бир муҳим ўсиш нуқта — қуёнчиликдир. Бу тармоқ бугун саноат миқёсида ривожланмоқда. Тадбиркор Нуриддин Иминов раҳбарлигидаги “Водий наслли қуёнлари” масъулияти чекланган жамияти агрофирмаси бунга яққол мисол. 2020 йилда 14,2 миллиард сўмлик лойиҳа асосида фаолият бошлаган корхонага дастлаб Россиядан 2 минг бош “Ҳикол” зотли қуёнлар келтирилган эди.

Албатта, ўтган йиллар давомида фаолият силлиқ кечмади. Турли қийинчилик ва муаммолар юзага келди. Аммо Нуриддин Иминов ортга чекинмади, аксинча, изланишда давом этди. Натижада бугун корхонада парваришланаётган қуёнлар сони 15 минг бошга етди. Замонавий усулда етиштирилаётган маҳсулотлар нафақат ички, балки қўшни давлатлар бозорларини ҳам тўлдирмоқда.

Қуёнлар сони ошгани сари озуқа базаси учун қўшимча ер майдонига эҳтиёж сезилди. Яқинда вилоят ҳокимлиги ишчи гуруҳи корхона фаолияти билан танишиб, қуён гўшти экспортини кенгайтириш бўйича тавсиялар берди. Тадбиркорни қўллаб-қувватлаш мақсадида 50 гектар ўзлаштирилмаган ер майдони ажратиш белгиланди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг топшириқлари ижроси доирасида маҳалла хонадонларида кооперация асосида қуён боқишни йўлга қўйиш орқали аҳоли даромадини ошириш ва бозорлар тўкинлигини таъминлаш режага киритилди.

Бугунги кунда “драйвер”имизни саноат ва хизмат кўрсатиш йўналишига олиб чиқиш борасида ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Натижада ҳудудда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти яна биттага кўпайди. Жумладан, ташаббускор ёшлардан бири Худоёр Муҳаммадтурсунов “уста-шогирд” анъанаси асосида ҳунар ўрганиб, ўз ишини бошлади. Биз унинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, мустақил фаолиятини йўлга қўйиши учун маҳалладаги бўш турган бинодан жой ажратиб бердик.

Бир пайтлар чўл ҳудудида бошланган кичик ташаббуслар бугун маҳалланинг иқтисодий қиёфасини бутунлай ўзгартирди. Мақсадимиз — ҳар бир хонадонни доимий даромад манбаига эга қилиш ва маҳалламизни ишсизликдан холи ҳудудга айлантиришдир.

ТАЖРИБА

# Остонадан тошилган хазина

**Одамзод бахт ва барака излаб баъзан олис юртларга йўл олади, катта сармоя ва бепоён далаларни орзу қилади. Ваҳоланки, ҳақиқий хазина шундоққина оёғимиз остида — ҳар куни ўтиб қайтадиган кичик ҳовлимиз, бир парча томорқамиз бағрида яширинган бўлса-чи?**

**Мақсадбек ФАЙЗИЙ.**

Тупроққа меҳр берган қўллар қандай қилиб оддий бир сотих ерни йил-ўн икки ой тўхтамайдиган “хазина сандиғи”га айлантириши мумкин? Бу жумбоқнинг жавобини Чортоқ туманининг “Нурафшон” маҳалласида яшовчи Садриддин Ориповдан сўранг.

У ўз хонадонидаги томорқасини ҳақиқий даромад манбаига айлантира олган омилкорлардан бири. Ернинг кичиклигидан нолимасдан, аксинча, ҳар бир қарич тупроқни қадрлаб, ундан мўъжиза яратиш йўлини танлади.

Бор-йўғи бир сотих майдонида иссиқхона ташкил этиб, серҳосил лимон етиштиришни йўлга қўйди. Кўз нури ва қалб қўри билан парваришланаётган ҳар бир ниҳол бугун миришкорнинг ишончини оқламоқда. Бир йилда 600–700 килограммгача сархил лимон ҳосили олмоқда. Бу нафақат оила сармоясига салмоқли қўшимча даромад, балки бозорларимизни сифатли ва дармондориларга бой маҳаллий маҳсулот билан тўлдиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Қаҳрамонимизнинг изланишлари фақат деҳқончилик билан чекланиб қолмаган. Унинг яна бир қизиқиши — зотдор товуқларни парваришлаш ва кўпайтиришдир. Айни пайтда хонадонида 20 дан ортиқ турли ноёб зотдаги товуқларни боқиб, паррандачилик йўналишини ҳам жадал ривожлантирмоқда. Иссиқхона ва паррандачилик — бир-бирини тўлдирувчи бу икки тармоқ хонадон хўжалигининг барқарор ривожланишига мустаҳкам замин яратмоқда.

“Нурафшон” маҳалласидаги ушбу ибратли тажриба шуни исботлайдики, мўмай даромад топиш ва фаровон яшаш учун, албатта, гектарлаб ерга эга бўлиш шарт эмас. Аксинча, кичик томорқа майдонидан ҳам оқилона ёндашув, тинимсиз меҳнат ва изланиш орқали бир нечта даромад манбаини шакллантириш мумкин. Муҳими, унинг фаолияти маҳалладошларига яққол намуна, тайёр ҳаётий сабоқ бўлмоқда.






**2026 йилда 1 500 нафар бола эрта аралашув, 6 500 нафари кундузги парвариш, 2 000 нафари эса “Янги кун” ижтимоийлашув хизматидан фойдаланди.**



**“Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти мутахассислари Қашқадарё вилоятида маҳалла хотин-қизлар фаоллари учун малака ошириш курсларини ташкил этди.**



**Беруний туманида Ижтимоий реестр ва “Аёллар дафтари”да турган 80 нафар хотин-қизга субсидия асосида чорва моллари топширилди.**



ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# ҚИМОР ҚАЕРДА ЎЙНАЛСА ҲАМ, БАРИБИР ҚИМОР

**Интернет имкониятлари кенгайгани сари ундан ғаразли мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари ҳам кўпаймоқда. Айниқса, онлайн қимор ўйинлари бугун нафақат ҳуқуқбузарлик, балки оилалар фаровонлиги, ёшлар келажаги ва жамият маънавий муҳитига дахлдор жиддий муаммога айланмоқда.**

**Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА.**




Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида аниқланган воқеа бу борада жиддий ўйлашга ундайди. Бир фуқаро ўз уйида яширин бункер ташкил этиб, уч нафар шериги билан YouTube платформаси орқали ноқонуний онлайн қимор ўйинларини ўтказиб келган. Вилоят Ички ишлар бошқармаси Кибержиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари интернет ресурсларини кузатиш жараёнида шубҳали каналга дуч келиб, ушбу фаолиятни фош этган.

Эътибор беринг, қиморхона энди фақат қоронғи хона, яширин манзил ёки махсус бинода ташкил этилмайди. Компьютер, интернет ва ижтимоий тармоқдаги канал ҳам ноқонуний даромад манбаига айланиши мумкин. Энг ташвишлиси, бундай фаолиятнинг аудиторияси чегара билмайди. Экран қаршисидаги ҳар қандай инсон унинг таъсирига тушиб қолиши эҳтимолдан холи эмас.

Ангордаги ҳолат шуни кўрсатадики, рақамли муҳитдаги жиноятчилик шакли ўзгартирмоқда. Энди ҳуқуқбузарликни аниқлаш учун фақат воқеа содир бўлган жойни эмас, балки интернетдаги фаоллик, пул ўтказмалари ва яширин рақамли алоқаларни ҳам ўрганиш талаб этилади.

### БИРИНЧИ ЮТУҚ — КЕЙИНГИ ЙЎҚОТИШЛАР БОШЛАНИШИ

Онлайн қиморнинг энг хавфли томони шундаки, у инсонни дастлаб катта даромад ваъдаси билан ўзига жалб қилади. Бир марта омад келиши, озгина пулнинг кўпайиши кишида **“яна бир уриниб кўрсам, яна ютишим мумкин”**, деган ишончни уйғотади. Кейин эса йўқотилган маблағни қайтариш истаги янги пул тикишга ундайди. Шу тариқа оддий қизиқиш аста-секин қарамликка айланиши мумкин.

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда катта ёшли аҳолининг тахминан 1,2 фоизида қимор ўйинларига қарамлик бузилиши мавжуд.** Қиморнинг салбий таъсири эса фақат ўйин иштирокчисининг ўзи билан чекланмайди. Юқори хавфли даражада қимор ўйнайдиган ҳар бир инсонга ўртача олти нафар атрофидаги бошқа киши, кўпинча оила аъзолари ҳам таъсир доирасига тушади.

Бунинг оқибатлари ҳаётда жуда оғир намоён бўлади. Оила бюджетига мўлжалланган пуллар қиморга сарфланади, қарзлар кўпаяди, ишонч йўқолади, эр-хотин ўртасида низолар келиб чиқади. Айрим ҳолларда инсон қарзини яшириш учун яқинларидан ҳам пул сўрашга, ҳатто алдов ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қўл уриши мумкин.

Шу боис онлайн қиморни фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳал этадиган масала сифатида кўриш бирёқлама ёндашув бўлади. Бу — оила, таълим, маҳалла, банк-молия тизими ва ахборот маконининг ҳамкорлигини талаб қиладиган ижтимоий муаммо.

### РЕКЛАМА — ҚИМОРГА ОЧИЛГАН ЭШИК

Онлайн қиморнинг кенгайишида ижтимоий тармоқлардаги тарғиботнинг ҳам ўрни катта. **Айрим каналлар ва саҳифаларда “осон пул топиш”, “кафолатланган ютуқ”, “бир неча дақиқада даромад” каби ваъдалар билан одамларни қизиқтиришга уринишлар кузатилади.** Баъзан блогерлар ёки машҳур шахслар образидан фойдаланиб, қимор ўйинларига ишонч уйғотилади.

Аслида, бу шунчаки реклама эмас, инсоннинг ишончидан фойдаланиш орқали уни молиявий тавакалчиликка ундашдир. Қолаверса, “Реклама тўғрисида”ги қонуннинг 46-моддасида қимор ва тавакалчиликка асосланган ўйинларни, шу жумладан интернет орқали ташкил этиладиган ўйинларни реклама қилиш тақиқланган.

Демак, қонунчиликда бу масалага аниқ муносабат билдирилган. Энди асосий вазифа тақиқнинг амалда ишлашини таъминлаш, яширин тарғиботчиларни аниқлаш ва уларнинг фаолиятига ўз вақтида чек қўйишдан иборат.

### МУАММОНИНГ ЕЧИМИ ФАҚАТ ЖАЗОМИ?

Онлайн қиморга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тезкор ҳаракатлари муҳим. Аммо фақат жиноятни аниқлаш ва айбдорларни жазолаш билан чекланиш етарли эмас. Унинг илдизига етиб бориш, одамларнинг бундай ўйинларга қизиқиши сабабларини ўрганиш ва олдини олиш чораларини кучайтириш лозим.

Бу борада айрим жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, YouTube, Telegram, Instagram ва бошқа платформалардаги ноқонуний қимор каналлари, яширин реклама ва ҳаволаларни аниқлаш бўйича тизимли назоратни йўлга қўйиш зарур.

Шубҳали пул ўтказмалари, кўп сонли банк карталари ва шахсий ҳисобварақлардан ноқонуний мақсадларда фойдаланиш ҳолатларини ваколатли органлар билан ҳамкорликда ўрганиш керак.

Мактаб, техникум, олий таълим муассасалари ва маҳаллаларда онлайн қиморнинг молиявий ҳамда руҳий оқибатлари ҳақида амалий мисоллар асосида тарғибот ўтказиш лозим.

**Ота-оналарнинг рақамли саводхонлигини ошириш орқали фарзандларнинг интернетдаги фаоллигини назорат қилиш, шубҳали канал ва ҳаволаларни фарқлаш, улар билан очиқ мулоқот қилиш кўникмаларини шакллантириш муҳим.**

Қолаверса, қиморга берилиб кетган инсонларни фақат айблаш эмас, уларга психологик маслаҳат ва зарур ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш керак.

Шунингдек, маҳалла раиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ва ижтимоий ходим ҳам бу жараёндан четда қолмаслиги мақсадга мувофиқ. Чунки оиладаги қарздорлик, ишсизлик, фарзандларнинг назоратсиз интернетдан фойдаланиши каби ҳолатлар баъзан жиддий муаммоларнинг дастлабки белгиси бўлиши мумкин. Масала чуқурлашмасидан олдин уни аниқлаш ва оила билан манзилли ишлаш муҳим.

### ЭНГ МУҲИМ ОМИЛ — ЖИНОЯТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Ангор туманидаги яширин бункерда ташкил этилган онлайн қиморхона фош этилгани бир ҳақиқатни яна бир бор кўрсатди: **замонавий технологиялардан фойдаланиб содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг шакли ўзгариши мумкин, аммо уларнинг жамиятга етказадиган зарари ўзгармайди.**

Жиноят кодексининг 278-моддасида қимор ва тавакалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бундай ҳаракатлар учун етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Бироқ жамият учун энг катта ютуқ жиноятчиларнинг жазоланишигина эмас, балки қанча инсоннинг бу тузоққа тушиб қолишининг олди олинишидадир.

Зеро, интернетдаги биргина ҳавола ортида кимнингдир йиллар давомида тўпланган маблағи, оиласининг тинчлиги, фарзандларининг келажаги туриши мумкин. Ҳеч бир инсон осон даромад ваъдасига учиб, ўз меҳнати билан топган ризқини хавф остига қўймаслиги керак.

ИНСОН ВА ТАБИАТ

## ТАБИАТНИНГ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛГАНЛАР КИМ?

**Табиат — одамзотга берилган энг бебаҳо неъмат. Ундаги ўсимликлар ва ҳайвонот олами ҳаёт занжирининг бир бўлагидир. Инсон эса ана шу мураккаб ва нозик мувозанатнинг энг масъулиятли иштирокчиси. Аммо баъзан ўзимиз яшаётган муҳитга, биз билан бир ҳаводан нафас олаётган жонзотларга муносабатимиз бу масъулиятга қанчалик мос келиши кишини чуқур ўйга толдиради.**

**Марям САЛИМЗОДА.**

Яқинда Тошкент шаҳрининг Учтепа тумани Чилонзор-26 мавзесида қаровсиз ҳайвонлар ва қушлар оммавий нобуд бўлаётгани ҳақида хабарлар тарқалди. Аҳоли бу ҳолатга қасддан заҳарлаш сабаб бўлиши мумкинлигини билдирмоқда. Туман ҳокимлиги вазият назоратга олинганини, ҳодиса сабабларини аниқлаш ишлари ташкил этилаётганини маълум қилди.



Ҳозирча заҳарлаш эҳтимоли расман тасдиқлангани йўқ. Аммо бу хабарнинг ўзиёқ жиддий саволларни ўртага қўяди: биз табиатга қандай муносабатдамиз? Нега айримлар ўзлари учун ноқулай бўлган жонзотни йўқ қилишни муаммонинг ечими деб билади?

Аслида, табиатда “кераксиз” жонзотнинг ўзи йўқ. Қушлар ҳашаротлар сонини тартибга солишда, ҳайвонлар эса табиий мувозанатни сақлашда муҳим ўрин тутади. Бир турнинг оммавий қирилиши бошқа тирик организмларга ҳам таъсир кўрсатиши аниқ. Айниқса, заҳарли моддалардан фойдаланиш тупроқ, сув, ўсимликлар ва бошқа ҳайвонлар орқали бутун экологик муҳитга тарқалиши эҳтимоли бор. Бундай ҳолатда хавф фақат қаровсиз ҳайвонларга эмас, болалар ўйнайдиган ҳовлиларга, уй ҳайвонларига ва инсон саломатлигига ҳам дахл қилади.

Тўғри, қаровсиз ҳайвонлар масаласи аҳоли учун муайян ноқулайлик ва хавотир туғдириши мумкин. Лекин бу муаммони заҳарлаш, қувғин қилиш ёки шафқатсиз усуллар билан ҳал этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бу борада маҳаллий ҳокимликлар, ветеринария ва санитария хизматлари аниқ масъулиятни ўз зиммасига олиши зарур. Ҳайвонларни рўйхатга олиш, эмлаш, стерилаш, касалларини даволаш, махсус паноҳгоҳлар ташкил этиш каби чоралар изчил амалга оширилиши керак.

Аҳоли ҳам табиатга муносабатини ўзгартириши лозим. Уй ҳайвонини боқа олмаган киши уни кўчага ташлаб кетмаслиги, жонзотларга нисбатан шафқатсизликка бефарқ қарамаслиги, экологик муаммолар ҳақида тегишли ташкилотларга хабар бериши керак. Чунки табиатни асраш фақат экологлар ёки давлат идораларининг вазифаси эмас. Бу ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаётидаги масъулиятидир.

Учтепадаги ҳолат бўйича ҳам фақат нобуд бўлган жонзотларни йиғиштириб олиш билан чекланиб қолмаслик лозим. Уларнинг ўлим сабаблари холисона аниқланиши, эҳтимолий заҳарли моддаларнинг атроф-муҳитга таъсири текширилиши, айбдорлар бўлса, қонуний жавобгарликка тортилиши керак. Шу билан бирга, қаровсиз ҳайвонлар муаммосини бартараф этиш бўйича масъул идораларнинг аниқ режаси ва амалий ишлари ҳам жамоатчиликка маълум қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ваҳоланки, табиат инсоннинг мулки эмас, унинг ҳаёт маконидир. Биз бугун қушларнинг сайрашидан маҳрум бўлсак, эртага табиий мувозанатнинг бузилиши оқибатларига дуч келишимиз мумкин. Атроф-муҳитни асраш баландпарвоз шиорлар билан эмас, ҳар бир тирик жонзотнинг ҳаётга бўлган ҳаққини ҳурмат қилишдан бошланади.



**Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.**

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА...

## МИЛЛАТ УЙҒОНИШИГА БАХШИДА УМР




**Тарихда шундай инсонлар бўладики, уларнинг ҳаёти бир даврнинггина эмас, бутун миллатнинг тақдири билан чамбарчас боғлиқ. Улар замонасининг оғриқларини ўз қалбида ҳис этади, жамиятни уйғотиш, халқни илм-маърифат сари бошлаш учун бутун умрини бағишлайди. Абдурауф Фитрат ана шундай улуғ сиймолардан бири эди.**

**Наргиза ФУЗАЙЛОВА,**
**филолог**.

Миллий тарихимизда ўчмас из қолдирган маърифатпарвар, адиб, олим ва жамоат арбоби Абдурауф Фитратнинг ҳаёти ва фаолияти нафақат ўтган аср воқеаларини, балки бугунги авлоднинг ҳам маънавий дунёқарашини англашда муҳим аҳамият касб этади. У миллатнинг эртанги кунини илмда, маърифатда, тафаккур ва озод фикрда кўрган, халқни ғафлат уйқусидан уйғотишга интилган фидойи зиёли эди.

Шундай улуғ шахснинг ҳаёти ва ижодий меросини бадиий жиҳатдан кенг ёритиш эҳтиёжи йиллар давомида сезилиб келаётган эди. Тарихий мавзулардаги асарлари билан китобхонлар эътиборини қозонган ёзувчи Олим Тошбоевнинг “Фитрат” романи ана шу эҳтиёжни қондириш йўлидаги муҳим адабий қадам бўлди.

Асарнинг эътиборга молик жиҳати шундаки, муаллиф Фитратнинг ҳаёт йўлини баён этиш билангина чекланмайди. У қаҳрамон яшаган мураккаб тарихий муҳитни, даврнинг ижтимоий-маънавий манзарасини, жамиятдаги зиддиятлар ва миллат бошига тушган фожиаларни ҳам қаламга олади.

Романда “шовқин-сурон, алдов, фириб ва хиёнатлардан чўкиб, бадтар қорайиб кўринаётган тоғлар, гумбазлар”, “мунғайиб турган мадраса ва масжидлар” тасвири орқали ўқувчи кўз ўнгида шомдан кейинги Бухоро манзараси гавдаланади. Бу оддий тасвир эмас, балки бир замонлар илм-фан ва маданият маркази бўлган юртнинг таназзулга юз тутган ҳолати, халқнинг оғир ижтимоий аҳволи ва маънавий инқирозига ишорадир.

Маърифат йўли ҳамиша ҳам равон бўлмаган. Самимий дўст ниқоби остидаги хоинлар, шахсий манфаатини миллат тақдиридан устун қўювчилар, ислоҳотларга тўсиқ бўлган кучлар ҳам учраган. Романда бундай қиёфаларнинг тасвирланиши ўша давр муҳитини янада теранроқ англашга хизмат қилади. Энг ачинарлиси, бундай иллатлар тарих саҳифаларидагина қолиб кетмаган. Уларга қарши огоҳлик, соғлом фикр ва маънавий жасорат бугун ҳам зарур.

“Фитрат” романининг аҳамияти шундаки, у китобхонни фақат ўтмиш билан таништирмайди, балки тарихдан сабоқ чиқаришга чорлайди. Миллат тақдири учун қайғурган инсоннинг жасорати, маърифатга бўлган ишончи, жамиятдаги иллатларга нисбатан муросасизлиги бугунги авлод учун ҳам ибрат мактабидир.

Асарнинг халқчил тили, теран мазмуни ва тарихий воқеликни бадиий ифода этиш маҳорати уни кенг китобхонлар оммаси учун қизиқарли қилади. Зеро, тарихий шахслар ҳақида ўқиш — шунчаки ўтмишни эслаш эмас, балки бугунги кунни англаш ва келажак олдидаги масъулиятни ҳис этиш ҳамдир.

Абдурауф Фитрат сингари миллат тақдири учун курашган инсонларнинг ҳаётини ўрганиш, улар қолдирган маънавий меросни асраб-авайлаш ва ёш авлодга етказиш ҳар биримиз учун муҳим вазифадир. Олим Тошбоевнинг “Фитрат” романи эса ана шу эзгу мақсадга хизмат қиладиган, китобхонни фикрлашга, изланишга ва тарих олдидаги масъулиятини ҳис этишга ундайдиган асардир.

ШАХСИЙ КУЗАТУВ

## Ўзганинг ҳашаматига ҳавас, ўз оиласига хиёнат билан тенгми?

**Бир куни ёш келин ижтимоий тармоқдаги саҳифаларни кўздан кечираркан, тенгдошларининг қимматбаҳо совғалари, ҳашаматли уйлари, хорижий саёҳатлари акс этган суратларига кўзи тушди. Бирининг турмуш ўртоғи унга янги автомобиль совға қилган, бошқаси эса қиммат ресторанда туғилган кунини нишонлаётган эди. Келин ҳам ўз ҳаётига назар ташлади: оддий хонадон, кундалик рўзғор ташвишлари, баъзан эса майда келишмовчиликлар… Шу лаҳзада ўз турмушидан кўнгли тўлмай қолди. Аслида эса у кўраётган манзаралар ҳаётнинг бор ҳақиқати эмас, балки кимдир намойиш этишни истаган бир парчаси эди.**

**Зуҳра ТУРАНОВА,**
**Бектемир туманидаги “Роҳат” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.**



Бугун ижтимоий тармоқлар нафақат ахборот олиш, балки ўз ҳаётимизни бошқаларники билан таққослаш майдонига ҳам айланди. Айниқса, Instagram’даги ҳашаматли турмуш, қиммат совғалар ва дабдабали маросимлар айрим ёшларда ҳаётдан ортиқча кутишлар пайдо қилиши мумкин. Ижтимоий тармоқларда йигитлар ҳам ана шу ҳолатдан хавотир билдириб, виртуал оламдаги кўркам манзаралар қизларнинг турмуш ўртоғига нисбатан моддий талабларини ошираётганини таъкидлашмоқда.

Рақамлар эса оилавий муносабатлар масаласига жиддий эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади. 2026 йилнинг январь–сентябрь ойларида Тошкент шаҳрида 4 788 та ажрашиш ҳолати расман қайд этилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,5 фоиз кўп. Оддий ҳисобда, пойтахтда ҳар куни ўртача 17 та оила ажралаётганини англатади.

Албатта, бу ажрашишларнинг барчасига ижтимоий тармоқлар сабаб, деб бўлмайди. Оилавий келишмовчиликлар замирида иқтисодий қийинчилик, ўзаро ишончнинг йўқолиши, масъулиятсизлик, сабрсизлик, бир-бирини тушунишга интилмаслик каби кўплаб омиллар ётади. Аммо виртуал ҳаётдаги сунъий мукаммалликка ортиқча берилиш мавжуд муаммоларни янада кучайтириши мумкин.

Ҳар бир оиланинг ўз шароити, имконияти ва синовлари бор. Бировнинг бахтини кўз-кўз қилган суратига қараб, ўз турмушингизни баҳолаш адолатдан эмас. Чунки ижтимоий тармоқларда кўпинча қувончли лаҳзалар намойиш этилади, аммо уларнинг ортидаги ташвишлар, келишмовчиликлар ва машаққатлар кўринмайди.

Оила қимматбаҳо совғалар ёки ҳашаматли уй-жой билан эмас, ўзаро ҳурмат, ишонч, меҳр ва масъулият билан мустаҳкамланади. Бахтни бошқаларнинг саҳифасидан излашдан кўра, уни ўз хонадонимизда биргаликда яратишга ҳаракат қилганимиз маъқул. Экрандаги ҳаётга ҳавас қилиб, ўз қўлимиздаги бахтни бой бериб қўймайлик.



Наманган туманидаги маҳаллаларда фуқароларга бир марталик моддий ёрдам ажратилди.



Тахтакўпир туманидаги маҳаллаларда яшовчи ишсиз фуқаролар иштирокида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.



Янгиқўрғон туманининг чегарадош маҳаллаларида “Бағрикенглик ҳафталиги” доирасида миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган тадбир ташкил этилди.



МУЛОҲАЗА

# КЎРСАТИЛМАГАН ХИЗМАТ УЧУН ТЎЛОВ ЁКИ ЧИҚИНДИ МУАММОСИ ҚАЧОН БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ?

**Эрта тонгда ишга шошиб чиққан кишининг кўзи биринчи бўлиб кўча бошида тоғдек уюлиб ётган чиқиндиларга тушса, таъби хира бўлиши табиий. Минг афсуски, бу манзара бугун кўпчилик юртдошларимиз учун одатий ҳолга айланиб улгурди. Аксарият ҳудудларда маиший чиқиндиларни олиб кетишдаги узилишлар, кўрсатилмаган хизмат учун истеъмолчиларга асоссиз қарздорлик ёзилиши ҳаммага маълум ҳақиқат. Қайси маҳаллага кирманг, куннинг энг оғриқли муаммоси шу эканига гувоҳ бўласиз.**



**Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.**

Чортоқ туманидаги “Туркистон” маҳалласининг Уйчи кўчаси ҳамда “Байнал” маҳалласининг Садаф кўчасидан уч ойдан бери чиқинди олиб кетилмайди. Худди шундай ҳолатни пойтахтимизнинг Миробод туманидаги “Билимдон” маҳалласида ҳам кузатиш мумкин. Ачинарлиси, бу ҳолат атроф-муҳитга зарар етказиш билан бирга, маҳалла ободлигини ҳам бузмоқда. Фуқаролар масъулларнинг пул талаб қилишни билиши, аммо ўз вазифасини нега бажармаётгани ҳақида ҳақли савол қўйишмоқда. Хизмат кўрсатилмаган бўлса-да, аҳолига қарздорлик ҳисобланиши, тўлов қоғози берилмаслиги ёки оммавий шартномага амал қилинмаслиги асосли эътирозларга сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг маълум қилишича, Қува туманидаги “Янгиҳаёт” ва “Деҳқонобод” маҳаллаларида яшовчи икки нафар фуқаро ҳам айни шу мазмунда мурожаат йўллаган. Ўрганишлар давомида чиқиндилар шартномада белгиланган муддатларда эмас, балки бир ёки бир ярим ойда бир марта олиб кетилгани аниқланди. Шунга қарамай, кўрсатилмаган хизмат учун истеъмолчиларга 98 минг сўм асоссиз қарздорлик ҳисобланган.

Кўриниб турибдики, муаммо барча ҳудудларга хос бўлиб, унинг ечими тизимли ёндашувни тақозо этади. Хўш, бу борада Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Чиқиндиларни бошқариш ва айланма иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги қандай чоралар кўрмоқда? Маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш соҳасини рақамлаштириш қай аҳволда?

*— Бу каби низоли вазиятлар Вазирлар Маҳкамасининг “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан тартибга солинган,* ***— дейди Чиқиндиларни бошқариш ва айланма иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги ахборот хизмати раҳбари Дилноза Комилова.*** *— Соҳа йилдан-йилга такомиллаштириб борилмоқда. Масалан, аҳолига қўшимча қулайлик яратиш мақсадида “Тоза макон” қўл телефони иловаси ишлаб чиқилди. Энди фуқаролар чиқинди хизматлари бўйича ҳисоб-китоблар ва мавжуд қарздорликни кўриши, тўловлар ҳолатини кузатиши ҳамда шахсий ҳисобвараги маълумотларини назорат қилиб бориши мумкин. Бундан ташқари, чиқинди ташувчи уловлар ҳаракатини янада аниқ назорат қилиш йўлга қўйилмоқда. Эндиликда хизмат кўрсатиш фақат ҳудудлар бўйича эмас, балки аҳоли яшаш манзиллари ва чиқинди йиғиш шохобчалари кесимида ташкил этилади. Бунда аҳоли махсус уловнинг келишини шу вақтнинг ўзида кузатиши, у яқинлашганда эса хабарнома олиши мумкин. Камчиликлар, белгиланган жадвалдан четга чиқиш ёки хизмат умуман кўрсатилмаган ҳолатлар аниқланса, тегишли тартибда далолатнома расмийлаштирилади. Хизмат кўрсатилмаган даврлар учун ҳисобланган тўловлар қайта кўриб чиқилиб, ортиқча тўланган маблағлар фуқаро ҳисоб рақамига қайтарилади.*

Қонун ва қарорлар такомиллашгани яхши, албатта. Бироқ улар амалда ишламаса, бундан кимга қандай наф? Бир қатор маҳалла раисларининг фикрича, муаммонинг илдизи бошқа омилларга бориб тақалади.

*— Хизмат кўрсатувчи ва истеъмолчи ўртасидаги шартнома бажарилмаслигига, аввало, соҳада рақобатнинг йўқлиги сабаб бўлмоқда,* ***— дейди Хива туманидаги “Оқёп” маҳалласи раиси Журъат Рўзметов.*** *— Яъни, чиқинди ташиш муайян ҳудудларда ягона корхоналар бошқарувига берилган. Танлаш имконияти бўлмагани учун улар хизмат сифати ҳақида қайгурмаяпти. “Барибир фуқаро бошқа корхонага ўтиб кета олмайди”, деган ишонч бор. Қолаверса, уловларнинг эскиргани, ёнилги-мойлаш маҳсулотлари таъминотидаги узилишлар ёки махсус машиналар етишмаслиги тез-тез баҳона қилинади. Аммо энг асосий сабаб маҳалла даражасида хизмат сифатини назорат қилувчи рақамли тизимнинг (сунъий йўлдош кузатуви, шаффоф жадваллар) тўлиқ ишламаслигидадир.*

Ачинарлиси, чиқиндининг ўз вақтида олиб кетилмаслиги шунчаки кўчанинг кўркини бузиш билан чекланмайди. Айниқса, иссиқ кунларда ёки намгарчиликда турли юқумли касалликлар тарқатувчи кемирувчилар ва ҳашаротлар кўпайишига замин яратади.

Яна бир оғриқли нуқта шундаки, бугун айрим коммунал тўловлар айнан чиқинди қарздорлигига боғлаб қўйилди. Истеъмолчи тўловни кечиктирса, зудлик билан таъсир чораси кўрилади. Мажбурий ижро бюроси, судлар, тармоқдан узиш каби жазо тизими бехато ишлайди. Аммо хизмат кўрсатувчи корхона ўз мажбуриятини бажармаса-чи?

Ижрочи шартномани бузганда, фуқаронинг ундан товон пули ундириши ёки корхонани жаримага тортиши бўйича содда ва тезкор тизим мавжуд эмас. Фуқаро ўзининг ҳақлигини судма-суд юриб, исботлашга мажбур, бунга эса кўпчиликнинг вақти ҳам, асаби ҳам етмайди.

Шу боис таклифим, хизмат кўрсатилмадими, истеъмолчи тўлов қилишдан қонуний бош тортиш ҳуқуқига эга бўлиши керак. “Хизмат кўрсатмадингиз, тўламайман”, деган фуқаро барибир қарздорга чиқарилиб, судга берилаверса, адолат тарозиси бузилади. Зеро, ободлик ва тозалик фақат аҳолидан пул ундириш билан эмас, балки ўзаро ишонч, сифатли хизмат ва қонун олдидаги тенг масъулият билан таъминланади.

ОҒРИҚ

# НИМАГА ҚАРСАК ЧАЛИБ, НИМАНИ ТОМОША ҚИЛЯПМИЗ ЎЗИ?...

## *ёхуд тарбиясизликка тақиб қўйилган замонавий ниқоблар*



**Яқин ўтмишда дастурхон атрофида ўзини тутиш, бировнинг дилини оғритмаслик, оиланинг ички сирини кўчага олиб чиқмаслик ва камтарлик халқимизнинг энг олий фазилати, оддий инсонийлик қоидалари, миллий маданият белгиси сифатида қаралган.**

**Шоҳсанам НАЖМИДДИНОВА,**
**ЎзЖОКУ магистранти.**

Бироқ тезкор ахборот асрига келиб, қадриятларимизнинг ўлчови бутунлай ўзгариб кетди. Энг ачинарлиси, илгари уят ва ор саналган иллатлар бугун шунчаки чиройли, замонавий атамалар билан безатилиб, ҳаётимизга кириб келмоқда. Масалан, дастурхон бошида чапиллатиб овқат ейиш азалдан қаттиқ қораланган ва беодоблик саналган. Бугун эса бу ҳолатга “овозли ҳузур” деб ном бериб, уни мириқиб томоша қиладиган бўлдик.

Янги сотиб олган буюмини кўз-кўз қилиб мақтаниш одобсизлик ва манманлик белгиси эди. Эндиликда бу иллат “харидлар тақдимоти”, дея улуғланиб, одамлар орасида кимўзарга беллашиш воситасига айланди.

Фақат эр-хотингагина тегишли бўлган нозик маскан — ётоқхонани оммага намойиш этиш “хонадон танишуви” (обзор) деб аталмоқда. Оиланинг муқаддас сир-асрорларини кўчага олиб чиқиш эса шунчаки “ижодий маҳсулот” (контент) даражасига тушириб қўйилди. Бировни қўрқитиб, йиғлатиб ёки ноқулай аҳволга солиб, устидан кулишдек тубан ишга “ҳазил-мутойиба саҳнаси” (пранк) дея таъриф берилди. Уятсиз сўзларни ишлатиш, сўкиниш ва бақир-чақир қилиш кўча безориларига хос эди. Бугун эса бу ҳолат “самимийлик” ва “қолиплардан чиқиш”, дея олқишланмоқда. Етим-есир ёки муҳтож инсонга қилинган хайр-эҳсонни махфий тутиш савоб ва олижаноблик белгиси эди. Эндиликда юзини тасвирга олиб, миннат билан узатиш “эзгулик улашиш” деб номланиб, шуҳрат қозониш воситасига айланди.

Биз ана шундай кўринмас тузоқларга тушиб, тарбиясизликни замонавийлик деб қабул қилдик, ҳаёсизликни ўз қўлимиз билан оммалаштирдик. Бугун “нега маънавиятимиз ва савиямиз бунчалик тушиб кетди?”, деб ҳайрон бўляпмиз.

Аслида, бунинг сабаби ўзимизда. Чунки жамият нимага қарсак чалса ва нимани олқишласа, ўша нарса урчийди. Бугун қайси бемаъниликни “оммабоп тўлқин”га айлантириб, қўллаб-қувватласак, эртага ўзимиз ҳам, фарзандларимиз ҳам ўша саёзликнинг бир бўлагига айланамиз. Афсуски, маърифат ўчоғи бўлган кутубхоналарни йўқотиб, турнақатор навбатларда туриб овқат ейдиган оломонга айланиб боряпмиз.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, иллатнинг номини ўзгартирганимиз билан унинг жирканч моҳияти ўзгариб қолмайди. Замонавийлик — беҳаёлик ва беодоблик дегани эмас. Модомики, эртанги кунимиз обод, фарзандларимиз юксак маънавиятли бўлишини истар эканмиз, бугуноқ нимага қарсак чалаётганимизни ва нимани томоша қилаётганимизни жиддий ўйлаб кўришимиз шарт. Зеро, жамиятнинг тарбияси ҳар биримизнинг дидимиз ва танловимиздан бошланади.



Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.

СЎЗЛАРДА МАЪНО БОР, МАЪНОДА ФИКРАТ

# Бир мисқол олтинни деб, бир ботмон обрўни тўкма

**Ҳаётда шундай лаҳзалар бўладики, инсон кичик бир манфаат ва катта қадрият ўртасида танлов қилишга мажбур бўлади. Айтайлик, яқин танишингиз сизга ишониб омонат топширди ёки биргаликда иш бошладингиз. Орадан вақт ўтиб, арзимас пулни ўзлаштириб қолиш ёки кичик бир ёлғон билан ўз фойдангизни кўзлаш имкони пайдо бўлди. Ҳеч ким билмайдигандек туюлади. Аммо ҳақиқат юзага чиққан куни ўша арзимас пулга эга бўласизу, йиллар давомида қозонган ишонч, ҳурмат ва одамгарчиликни йўқотасиз.**



Аждодларимиз инсониятнинг минг йиллик ҳаётий кузатувлари асосида айнан шундай ҳолатлар учун бугунги кунда унутилаёзган, аммо маъноси ниҳоятда теран — “Бир мисқол олтинни деб, бир ботмон обрўни тўкма”, деган иборани қолдиришган.

Афсуски, бу ибора бугунги кунда кам қўлланилади. Боиси ундаги қадимий ўлчов бирликларининг кундалик ҳаётимиздан чиқиб кетганидир. Аммо айнан шу сўзлар иборанинг кучини белгилайди. Мисқол — қадимги Шарқда қўлланилган жуда кичик оғирлик ўлчов бирлиги бўлиб, тахминан 4,25 граммга тенг. Одатда олтин ва кумуш каби қимматбаҳо металлар мисқоллаб ўлчанган. Ботмон — ниҳоятда катта оғирлик ўлчов бирлиги. Ҳудудларга қараб 160 килограммдан 300 килограммгача бўлган оғирликни англатган.

Халқимиз икки ўлчов бирлигини бежизга ёнма-ён ишлатмаган. Бу ерда моддий бойлик ва маънавий қадрият тарозининг икки палласига қўйилган.

Бир мисқол олтин — бу ўткинчи пул, кичик манфаат ёки бир лаҳзалик нафс дегани. У қанчалик ялтирамасин, вазни жуда енгил. Бир ботмон обрў эса инсоннинг йиллар давомида ҳалоллиги, тўғрисўзлиги ва яхши амаллари билан мисқоллаб йиққан шаънидир. Уни кўтариш ҳам, сақлаш ҳам осон эмас.

Олтин — қўлнинг кири, бугун кетса, эртага меҳнат билан яна топилади. Аммо тўкилган обрў худди ерга сочилган сувга ўхшайди — уни қайтиб йиғиб олишнинг иложи йўқ.

Ушбу ҳикматдан хулоса шуки, инсон ҳаёт йўлида ўткинчи манфаатни деб ўз номига доғ туширмаслиги керак. Зеро, энг катта бойлик — чўнтакдаги олтин эмас, балки эл орасидаги тоза ном ва сўнмас ишончдир.

# Янги тизимда инсон қадри ва манфаати устувор

МАҲАЛЛА МАСЛАҲАТХОНАСИ

**Бугунги кунда юртимизда аҳоли муаммоларини ўрганиш ва уларни жойида ҳал этишнинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилган. Хусусан, маҳаллаларда фаолият юритаётган “еттилик” тизими фуқароларнинг кундалик ҳаётда дуч келаётган турли савол ва мурожаатларини ортиқча оворагарчиликларсиз, маҳалланинг ўзида тезкор ҳал этиш имконини бермоқда.**

**Рустамбек СУЛАЙМОНОВ,**
**Жалақудуқ туманидаги “Ёрқишлоқ” маҳалласи раиси.**

Яқинда маҳалламизда истиқомат қилувчи ногиронлиги бўлган Дилором Эргозиева ҳамда Ойбек Қурбоновлар навбатдаги даволаниш ва реабилитация муолажаларини олиш учун шифохонага йўлланма расмийлаштиришда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Илгари бу жараён фуқародан бир нечта идораларга боришни, қоғозбозлик ва узоқ кутишни талаб қилар эди.

Мурожаат маҳалладаги ижтимоий ходим иштирокида шу ернинг ўзида ўрганилди. Мутахассис фуқароларга соҳадаги сўнгги ўзгаришлар, хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларга реабилитация марказларига йўлланмалар эндиликда тўлиқ электрон навбат асосида ва мутлақо бепул тақдим этилишини батафсил тушунтирди.

Янги тартибга кўра, барча жараёнлар инсон омилисиз, шаффоф тарзда кечди. Ижтимоий ходим уларнинг мурожаатини шу заҳоти “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими орқали рўйхатга олди ва электрон навбатга қўйди.



Белгиланган тартибга мувофиқ, ҳудудий оилавий шифокор 5 иш куни ичида тиббий кўрикдан ўтказди. Тиббий кўрсатма мавжудлиги ҳамда қарши кўрсатмалар йўқлиги тасдиқлангач, шифокор электрон йўлланма шакллантирди.

Тизим марказлардаги бўш ўринларни автоматик тарзда таҳлил қилди. Фуқаро ўз навбатини реал вақт режимида кузатиб бориш имконига эга бўлди. Навбат келишидан роппа-роса 10 кун олдин унинг қўл телефонига расмий SMS-хабарнома юборилди. Натижада, фуқаро ҳеч бир идора эшигида сарсон бўлмай, туман шифохонасига даволаниш учун ётқизилди. Ўз вақтида ва сифатли тиббий-ижтимоий ёрдам олишга муваффақ бўлди.

Мазкур ҳолат маҳаллада ижтимоий хизматларнинг ягона тизимга бирлаштирилгани нақадар тўғри қарор бўлганини яна бир бор исботлади. Эҳтиёжманд фуқаро давлат эътибори ва ғамхўрлигини ўз маҳалласида, ўз хонадонида ҳис қилди.



Фарғона шаҳрида “Тадбиркорлик ва бандлик кўчаси” лойиҳаси доирасида 72 та тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилди.



Касби туманининг “Қамаши” маҳалласида миллатлараро тотувлик ва дўстлик муносабатларини кенг тарғиб этишга қаратилган “Дўстлик фестивали” бўлиб ўтди.



Шеробод туманида “маҳалла еттилиги” аъзолари учун ўқув семинари ташкил этилди.



МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРИ

Сенегал пойтахти Дакар шаҳрида ўтказилган IV ёзги ўсмирлар Олимпия ўйинлари дунёнинг турли бурчакларидан келган ёш спортчиларнинг орзу ва интилишларини бир майдонда жамлади. Бу нуфузли мусобақада Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилган ёшлар орасида қизларимизнинг алоҳида ўрни бор. Улардан бири — бокс бўйича финалга қадар етиб бориб, олтин медални қўлга киритган Сабрина Чакоманова бўлди.

## Рингдаги матонат ва журъат САБРИНАНИКИ!

Олтин медаль учун кечган ҳал қилувчи беллашувда ҳамюртимиз колумбиялик Салас Трехосга қарши рингга кўтарилди. Жанг давомида ташаббусни қўлдан бермаган Сабрина рақибидан яққол устун келиб, ҳакамларнинг якдил қарори билан 5:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Шу тариқа, у ўзбек спорти тарихида қизлар ўртасидаги ёшлар Олимпия ўйинларининг илк чемпиони сифатида номини зарҳал ҳарфлар билан ёзди.

Бокс — шунчаки куч синови эмас. Бу спорт тури спортчидан жисмоний тайёргарлик билан бирга мустаҳкам ирода, сабр-тоқат, тезкор фикрлаш ва руҳий барқарорликни ҳам талаб этади. Ҳар бир машғулотдаги машаққат, ҳар бир беллашувдаги синов спортчининг иродасини тоблайди. Айниқса, қизлар учун бу йўлни танлаш ва унда ўз ўрнини топиш осон эмас. Аммо Сабрина бу қийинчиликлардан чўчимади. У ўзининг қатъияти, жасорати ва матонати билан рингда юксак натижаларга эриша олишини амалда исботлади.



*— Бу натижа, албатта, Сабринадан кутилган эди,* ***— дейди Пастдаргом туманидаги “Найман” маҳалласи раиси Дилбар Муродова.*** *— Чунки унинг бугунги зафари ортида қанча меҳнат, машаққат ва изланишлар борлигидан хабардормиз. Шоҳсупага кўтарилиш осон бўлмади. Тайёргарлик жараёнидаги машғулотлар, чарчоқ ва турли синовларга қарамай, у ҳеч қачон ортга чекинмади. Ўз олдига қўйган мақсади сари қатъият билан интилди ва ўз салоҳиятини бутун дунёга намоён этди. Бугун унинг қўлга киритган галабаси нафақат оиласи, балки маҳалламиз аҳли учун ҳам катта қувонч ва фахрдир.*

18 ёшли Сабрина бу зафарга бир кунда эришгани йўқ. Олимпия ўйинларига қадар у ёшлар ўртасида Ўзбекистон ва Осиё чемпионликларини қўлга киритиб, ўзининг муносиб спортчи эканини намоён этган эди. Унинг бугунги ютуқларида Самарқанд бокс мактаби мураббийси Мирзажалол Жабборовнинг меҳнати ва ҳиссаси катта. Зеро, ҳар бир чемпионнинг ортида унинг имкониятига ишонган, машаққатли йўлда тўғри йўналиш кўрсатган устоз туради.

Сабрина эришган натижадан маълумки, катта ғалабалар, аввало, кичик қадамлар, тинимсиз меҳнат ва ўз кучига ишончдан бошланади. Бугун унинг қўлидаги олтин медаль ана шу меҳнатнинг самараси, юртимиз байроғини баланд кўтарган жасоратнинг рамзидир.



**Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.**

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# ИНСОН ШАЪНИ БИЛАН ҲАЗИЛЛАШМАНГ СИЗ...

**Тасаввур қилинг, эрталаб телефонни қўлингизга олдингиз. Биринчи кўзингиз тушган хабарда халққа танилган актёр ёки санъаткорнинг вафот этгани айтилган. Ҳайратланасиз, яқинларига ҳам юборасиз. Бироз вақт ўтиб эса ўша инсоннинг ўзи видеомурожаат билан чиқиб: “Мен тирикман, саломатман”, деб тушунтиришга мажбур бўлади. Ёки ҳали оила қурмаган қизни турмушга чиқариб, фарзандли қилиб қўйишади. Кимдир бировнинг оилавий ҳаёти, муносабатлари ҳақида ўзича хулоса чиқариб, уни бутун оммага тарқатади. Бу гапларнинг ҳақиқатга қанчалик яқинлиги, хабар қаҳрамонининг бундан хабари бор-йўқлиги ҳеч кимни қизиқтирмайди.**

**Индира ОЛИМОВА, журналист.**



Энг ачинарлиси, бундай ҳолатлар энди ҳайратланарли воқеа эмас, ижтимоий тармоқлардаги оддий кундалик манзарага айланиб бормоқда. Кимдир кўпроқ кўришлар тўплаш учун бировнинг дардини, кимдир машҳурлик илинжида бошқанинг шахсий ҳаётини дастак қилади. Оилавий жанжаллар, тасдиқланмаган муносабатлар, сохта вафот хабарлари, бировнинг шаънига тегадиган видеолар... Баъзан биргина ёлғон хабар ортида инсоннинг обрўси, оиласи ва яқинларининг хотиржамлиги турганини унутиб қўямиз. Ахир, бировнинг ҳаёти бизнинг кўнгилочар контентимиз эмас-ку!

Йиллар ўтгани сайин ижтимоий тармоқлар инсонлар учун ахборот манбаидан ташқари эрмак, баҳс майдони, ҳатто кимнингдир обрўсини тўкиш воситасига айланиб бормоқда. Ҳар ким билганини ёзади, кўрганини текширмай тарқатади, бировнинг камчилигини очиқлашни жасорат деб билади. Гўёки ахборот тарқатишда ҳам, унинг ортидан келадиган оқибатларда ҳам ҳеч қандай масъулият йўқдек. Аслида сўзнинг ҳам, тасвирнинг ҳам чегараси, инсоннинг ҳам қадр-қиммати бор.

Шундай шароитда телевидениенинг ўрни ҳақида бир тўхтамга келиш вақти келди. Кўпчилик “энди одамлар телевизор кўрмайди, ҳамма телефонга ўтиб кетди”, деб ўйлаши мумкин. Бироқ бу қарашга яқинда тақдим этилган миллий медиаистеъмол тадқиқоти натижалари бошқача жавоб беради.

2026 йил 8–19 сентябрь кунлари мамлакатимизнинг 14 та ҳудудида 1411 нафар фуқаро иштирокида ўтказилган сўров натижаларига кўра, аҳолининг 51,6 фоизи янгиликларни Телеграм каналларидан олади, 44,6 фоизи телевидение, 41,6 фоизи ижтимоий тармоқлардан фойдаланади. Бироқ ишонч масаласига келганда, вазият ўзгаради: телевидениега респондентларнинг 44,3 фоизи ишонч билдирган бўлса, Телеграм каналларига ишонч 11,3 фоизни ташкил этган. Қолаверса, сўров иштирокчиларининг 67,5 фоизи телевизион контентни томоша қилиши аниқланган. Демак, телевизор ҳали ҳам одамлар ҳаётидан чиқиб кетгани йўқ. Аксинча, унга нисбатан ишонч сақланиб қолмоқда.

Аммо ана шу ишончни оқлаш учун эфирга узатилаётган контентлар ҳам жиддий эътибор талаб қилади. Айрим телеканалларда оилавий можароларни омма олдида муҳокама қилиш, бир-бирини айблаш, шахсий ҳаёт тафсилотларини кўз-кўз этишга асосланган ток-шоулар кўпайгандек. Баъзи кўрсатувларда муаммонинг ечимини топишдан кўра, уни янада авж олдириш, иштирокчиларнинг ҳиссиётларини қўзғаш муҳимроқдек таассурот қолдиради. Кўнгилочар дастурларда эса баъзан мазмундан кўра шовқин, ҳазилдан кўра бачканалик устун келади. Бундай эфирлар томошабинга нима беради? Унинг диди, фикрлаши, маънавий дунёсига қандай ҳисса қўшади?

Бадиий фильмлар мавзуси асло бундан қолишмайди. Айрим фильмларда сюжетга хизмат қилиши зарурлиги асосланмаган очиқ саҳналар, енгил-елпи муносабатлар ортиқча намойиш этилади. Албатта, санъат ҳаётни борича акс эттириши мумкин. Лекин ҳаётдаги ҳар қандай ҳолатни экранга олиб чиқиш санъатнинг асосий вазифаси эмас. Муҳими, асар қандай ғояни илгари сураётгани, томошабин қалбида қандай таассурот қолдиришидир.

Албатта, сифатли фильм ва кўрсатув тайёрлаш маблағ талаб қилади. Яхши сценарий, малакали ижодий гуруҳ, профессионал актёрлар, замонавий техника ва пухта монтажсиз юқори савияли маҳсулот яратиш осон эмас. Аммо маблағнинг камлигини мазмунсизликка баҳона қилиш тўғри эмас. Чунки катта харажат билан ишланган ҳар бир лойиҳа сифатли бўлавермайди. Баъзан оддий студияда, самимий суҳбат ва ҳаётий мавзу асосида тайёрланган кўрсатув томошабинга катта декорацияли дастурдан кўра кўпроқ наф келтиради.

Эндиликда кино ва ижод аҳли учун янги имкониятлар эшиги очилмоқда. Президентнинг 2026 йил 2 июндаги фармони билан Маданият вазирлиги ҳузурида “Ижодга инвестиция” давлат мақсадли жамғармаси ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси истеъдодларни аниқлаш, ривожлантириш, истиқболли продюсерлик ва ижодий лойиҳаларни молиялаштиришдан иборат. Жамғармага 2026 йилда 200 миллиард сўм ажратиш, 2027 йилдан бошлаб ҳар йили камида 200 миллиард сўм йўналтириш белгиланган.

Бундан ташқари, 2026 йил 26 октябрь куни “Ўзбекфильм” киностудиясида киноижодкорлар билан ўтказилган учрашувда соҳани ривожлантиришга қаратилган муҳим вазифалар белгиланди. Жумладан, фильмлар суратга олиш учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ 2016 йилдаги 10 миллиард сўмдан 2026 йилда 218 миллиард сўмга етказилгани қайд этилди. “Ўзбекфильм” ҳудудида 400 миллиард сўм йўналтириладиган замонавий киношаҳарча ташкил этиш, 80 миллиард сўмлик дубляж ва овозлаштириш марказини барпо этиш, хусусий киностудиялар учун тенг имкониятлар яратиш вазифалари қўйилди. Энг муҳими, давлат энди фильмнинг буюртмачиси эмас, ижодкорлар ва хусусий секторнинг ишончли ҳамкори бўлиши таъкидланди. Бу эса ижодий рақобат, янги ғоялар ва сифатли миллий маҳсулотлар учун муҳим замин яратади.

Демак, энди ижодкорлар учун имконият ҳам, молиявий кўмак ҳам, замонавий шароит яратишга қаратилган ташаббуслар ҳам бор. Бу имкониятларнинг натижаси эса, энг аввало, экранда кўриниши керак. Давлат томонидан ажратилаётган маблағлар шунчаки фильмлар сонини кўпайтиришга эмас, халқ кўриб завқланадиган, фарзандларимиз ибрат оладиган, йиллар ўтса ҳам қадрини йўқотмайдиган асарлар яратишга хизмат қилиши лозим. Бунинг учун сценарий танловидан тортиб, фильмни эфирга узатишгача бўлган ҳар бир босқичда талабчанлик зарур. Телеканаллар миллий кино маҳсулотларини саралаб, муносиб асарларга эфирдан кенг ўрин бериш, улар учун муносиб ҳақ тўлаш ва ижодкор меҳнатини қадрлашга эътибор қаратиши керак.

Ижтимоий тармоқлардаги ҳар қандай контентни оммага тақдим этишдан олдин унинг мазмуни, ишончлилиги ва оқибати ҳақида ўйлаш, қонунга зид ва ҳақоратомуз хабарлар тарқатилишига нисбатан масъулиятни кучайтириш зарур. Контент яратувчилар ҳам шунчаки кўришлар сонини эмас, жамият олдидаги масъулиятини мезон қилиши керак. Зеро, сўз эркинлиги бировнинг шаънини топташ ёки ёлғонни ҳақиқат сифатида тарқатиш ҳуқуқини бермайди.

Балки энди томошабинни ҳақиқий экранларга қайтариш вақти келгандир? Телевидение ижтимоий тармоқлар билан шов-шувда эмас, мазмун, савия ва ишончда рақобатлашиши лозим. Чунки халққа яна яхши фильмлар, мазмунли кўрсатувлар, қалбга яқин суҳбатлар керак. Бир пайтлар бутун оила бир экран қаршисида жам бўлиб томоша қилган, қаҳрамонлари ҳақида эртаси куни ҳам суҳбатлашган асарларни соғинганлар кам эмас. Ана шу муҳитни қайта тиклаш, одамлар нигоҳини яна ҳақиқий экранларга муҳрлаш вақти келди. Ахир, ойнаи жаҳонда нимани кўрсатсак, эртага жамиятда шу ҳақда гапирамиз. Шундай экан, эфир ҳам, ижод ҳам, сўз ҳам инсон қадрини юксалтиришга хизмат қилсин.

ОГОҲЛИК

**Менимча, сўнгги пайтларда телефонга Фавқулодда вазиятлар вазирлигидан келаётган “Ис гази — ҳаёт учун хавфли!”, “Газ жиҳозларидан фойдаланишда эҳтиёт бўлинг!” мазмунидаги SMS-хабарларга кўпчиликнинг кўзи тушган. Айрим фуқароларга бундай огоҳлантиришлар бир кунда бир неча марта келаётгани ҳам бор гап. Ҳатто ижтимоий тармоқларда бу ҳолатдан норозилик билдириб, “Нега ҳар куни бир хил хабар юборилаверади?”, “Бир марта ўқисак, тушунамиз-ку”, дея муносабат билдираётганлар ҳам учрамоқда.**

## КИМНИНГДИР ҲАЁТИНИ АСРАШ УЧУН КЕЛГАН ХАБАР

**Шаҳноза Халилова.**

Хўш, нима учун бу огоҳлантиришлар шунчалик кўп юбориляпти? Аввалги йилларда куз-қиш мавсумида бундай хабарлар бу қадар тез-тез келмасди. Бу сафарги ёндашувнинг сабаби нимада? Бу саволларга айнан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакили изоҳ берди.

*— Ҳамма ҳам ижтимоий тармоқларга кирмайди, телевизор кўрмайди,* ***— дейди Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ахборот хизмати бошлиғи, майор Зуҳриддин Қурбонов.*** *— Айниқса, иш билан банд бўлган, ахборот оқимидан четда қоладиган фуқароларимиз бор. Шунингдек, кекса ёшдаги инсонларнинг барчасида замонавий телефон бўлмаслиги мумкин. Аммо оддий телефонларга SMS-хабар юбориш имконияти мавжуд. Шу сабабли аҳолини ис газидан огоҳлантиришнинг энг қулай ва кенг қамровли усулларидан бири сифатида SMS-хабарлардан фойдаланяпмиз. Кунига бир неча марта юборилаётган огоҳлантиришлардан мақсад — фуқароларни газ жиҳозларини текширишга, хавфсизлик қоидаларига амал қилишга чақириш.*



Албатта, бир кунда бир неча марта келган хабар кимнидир зериктириши, кимнидир ортиқча безовта қилиши мумкин. Лекин бу ерда оддий бир ҳақиқатни унутмаслик керак: ис гази оддий хавф эмас. Унинг ҳиди ҳам, ранги ҳам йўқ. Инсон хавфни сезмай қолиши, уйқуда заҳарланиши мумкин. Натижада биргина эҳтиётсизлик бутун бир оиланинг ҳаётига зомин бўлади.

Бу гаплар шунчаки огоҳлантириш учун айтилмаяпти. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги маълумотларига кўра, 2025 йилнинг дастлабки тўққиз ойида 141 нафар инсон вафот этган. Бу рақамлар ортида қанча хонадоннинг қайғуси, қанча оиланинг армони борлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Шундай экан, ҳар куни келаётган SMS-хабарларга фақат безовталик билан қарамаслик керак. Балки уни ўзимиз ва яқинларимиз хавфсизлиги учун берилган эслатма сифатида қабул қилармиз. Хабар келдими, демак, бир дақиқа вақт ажратиб, газ жиҳозларининг созлигини, мўрилар ва шамоллатиш йўлларини текшириб қўйиш зарар қилмайди. Иситиш мосламаларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига амал қилиш, носоз жиҳозларни ишлатмаслик, хонани мунтазам шамоллатиш зарур.

ФИКР

**“Одам арқондир, у ҳайвон билан Олий Инсон ўртасига тортилган арқондир”... Фридрих Ницшенинг “Зардушт таваллоси” асаридаги бу жумлалар устида анча тўхталдим. Негаки, улар инсон ҳақидаги одатий тасаввурларимни бироз ўзгартирди.**

## Кечаги ўзингдан баландроқ бўлиш, бу — катта жасорат

**Гулноза ЖАМИЛОВА.**
**Хонқа туманидаги “Фидойилар” маҳалласи.**

Аввалари “Олий Инсон” деганда бошқалардан ақли, бойлиги, мавқеи ёки имкониятлари билан устун бўлган кишини тушунардим. Асарни Ницше талқинида Олий Инсон — ўзини ҳаммадан баланд қўядиган эмас, балки ўзидан кечаги ҳолати билан қаноатланмайдиган, ўзини қайта кашф этишга, фикрларини янгилашга ва доимий равишда юксалишга интиладиган инсон. Унинг энг катта рақиби бошқалар эмас, балки ўз ичидаги қўрқув, дангасалик, лоқайдлик ва “мен шундайман, ўзгармайман” деган қарашларидир. Ўйлаб қарасам, бу фикр бугунги ҳаётимизда ҳар қадамда учрайди. Масалан, бир хил ишни йиллар давомида бажариб, бир жойда тўхтаб қолган инсонни тасаввур қилайлик. Унинг олдида икки йўл бор: “Шу кунгача шундай яшадим, бундан ортиғи шарт эмас”, деб мавжуд ҳолатга кўникиш ёки ўз имкониятларини қайта баҳолаб, янги билим ва кўникмаларни эгаллашга киришиш. Бугун рақамли технологиялар жадал ривожланаётган бир пайтда кечаги билим билан эртанги кунга қадам қўйиб бўлмайди. Замон билан ҳамнафас бўлиш учун инсон ўзгариши, ўрганиши, баъзан эса йиллар давомида шаклланган қарашларини қайта кўриб чиқиши керак. Бу ҳам ўз устидан ғалаба қозонишнинг бир кўриниши.

Бу қарашни кундалик муносабатларимизда яққол кўриш мумкин. Масалан, ўз хатосини тан олишни истамайдиган, доимо ўзини ҳақ деб биладиган инсон билан фикрини ўзгартиришдан қўрқмайдиган кишининг ўртасида катта фарқ бор. Иккинчиси ўз қадрини туширмайди, аксинча, ўз камчилигини тан олиш орқали маънан ўсади. Чунки ўзини англаш ҳам, ўзини енгиш ҳам жасорат талаб қилади.

Инсоннинг юксалиши бирор манзилга етиб бориш билан тугамайди. У доимий ҳаракат, изланиш ва ўзини енгиш жараёнидир. Балки Олий Инсон дегани мукаммалликка эришган одам эмас, балки мукаммаллик сари интилишдан тўхтамайдиган инсондир.



**Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусаҳҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.**

Mahalla

**Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси**

**Бош муҳаррир:** Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

**Дизайнерлар:** Лазиз Мейликов, Шерзод Маманов

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.**

**Муассис:** «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ
**Таҳририят манзили:** 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
**Телефонлар:** 71 233-39-89, 71 233-10-92.
**Нашр кўрсаткичи:** 148.

**«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.**

**Босмахона манзили:** Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

**Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.**

**Ўлчами:** А2, 4 б.т.
**8 307 нусхада** чоп этилди.
**Буюртма №:** Г-1120